



MILLIY TIKLANISH

42 (363) ● 2015 йил 28 октябрь, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси
 ЎзМТДП — www.mt.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

Партиянинг "Донолик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони" кўрик-танлови 5 мингдан ортиқ истеъдод эгаларини кашф этди

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги партия гуруҳи 60 дан ортиқ депутатлик сўровини амалга оширди

Жорий йилнинг ўтган даврида барча қуйи бўғинларда электорат манфаатларига қаратилган мингдан ортиқ масала муҳокама этилди

Ўқув-семинар

Хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий фаоллиги

фуқаролик жамияти шаклланиши, сиёсий партиялар фаолияти самарадорлигини оширишнинг муҳим омили

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши "Аёлларнинг ҳуқуқий маданияти даражаси фуқаролик жамияти асосидир" мавзусида ўқув-семинар ташкил этди. Унда партия Марказий кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, ҳудудий партия ташкилотлари "Аёллар қаноти" етакчилари ва фаоллари, "Донолик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони" кўрик-танловининг 2009-2015 йиллардаги республика босқичи гўлиблари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Ўқув-семинар партия сайловолди Платформаси ижросини таъминлаш ҳамда хотин-қизлар ҳуқуқий маданиятини оширишда "Аёллар қаноти"нинг фаолиятини янада кучайтириш мақсадида ташкил этилди. Унда ЎзМТДП ҳудудий ташкилотлари "Аёллар қаноти"нинг шу йил ўтган даври давомида партия сайловолди Платформасида белгиланган вазифаларни амалга ошириш юзасидан олиб борган саъй-ҳаракатлари танқидий таҳлил этилди. Эришилган натижалар билан бир қаторда, фойдаланилмаган имкониятлар, лойиҳалар мазмун-савияси, тарғиботлар таъсирчанлигини янада ошириш, айрим ҳудудий партия ташкилотларидаги сусткашликлар ҳам қайд этиб ўтилди.

> 2-бет.

Фракция ҳаёти



Сардор МУЛЛАЖОНОВ олган суратлар

Ҳуқуқий асосларни мустаҳкамлашга қаратилган қонун лойиҳалари

ЎзМТДП фракциясида қизгин муҳокама этилди

Давлатимиз раҳбари 2015 йилнинг 23 январида парламент палаталарининг қўшма йиғилишида Қонунчилик палатаси фаолиятида сиёсий партиялар фракцияларининг ўрни ва аҳамиятини, уларнинг мамлакатимиз учун зарур бўлган қонуларни ишлаб чиқишдаги ташаббускорлигини янада ошириш, фракциялар ва депутатлар фаолияти фаол ва мазмунли бўлиши, ўз сиёсий партиялари ва уларнинг электорати манфаатлари ҳамда кўрсатмаларини ҳисобга олган ҳолда йўлга қўйилиши лозимлигини алоҳида таъкидлаган эди.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ўз фаолияти давомида ана шу мезонларга амал қилган ҳолда фаолият олиб боришга, қонун лойиҳалари муҳокамасига партия позицияси ва электорат манфаатларидан келиб чиқиб ёндашишга интиломда. ЎзМТДП фракциясининг навбатдаги йиғилишида ҳам фракция аъзолари бир қатор қонун лойиҳалари муҳокама-сида ўз тақлиф-мулоҳазалари билан фаол иштирок этди.

Йиғилишни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, фракция раҳбари Сарвар Отамуратов бошқарди.

> 2-бет.

Депутат минбари

Давр билан ҳамнафаслик

амалий ишларга йўл очади

Мамлакатимизда ҳар бир соҳада изчил амалга оширилаётган ислохотлар самараси юрtdошларимиз турмуш тарзи фаровонлашиб, аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий маданияти юксалиб, ҳаётга қарашлари теранлашиб бораётганида намён бўлмоқда. Бу эса, ўз навбатида, ҳар бир фуқарода ўз ҳақ-ҳуқуқи ва манфаатларини ҳимоялаш, ўзи сайлаган халқ вакиллари билан аниқ ишларни талаб қилиш кўникмасини шакллантирмоқда. Бунга халқ вакили сифатида сайловчилар билан юзма-юз мулоқотлар чоғида, улардан келаётган мурожаатларни ўрганиш жараёнида яна бир бор амин бўляпмиз.

Шиддат билан ривожланаётган бугунги давр, фуқаролар фаоллиги ҳамда талабчанлиги, ўз навбатида, биз депутатларни сергак бўлишга, фаолиятимизни жонлантиришга ундайди. Зеро, барқарор ривожланаётган бозор иқтисодиёти шароитида давлат ҳокимияти ҳамда фуқаролар ўртасидаги ўзаро муносабатда, ислохотларнинг самарали амалга оширишида халқ вакиллари билан аниқ ишларни талаб қилиш кўникмасини шакллантирмоқда.

> 4-бет.

Партия гуруҳларида

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги ЎзМТДП гуруҳлари партия дастурий мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сессияларида ташаббус-масалалар, доимий комиссияларга тақлифлар киритиш, депутатлик назоратини амалга ошириш, жойлардаги мансабдор шахсларнинг ҳисоботларини тинглашга алоҳида аҳамият қаратмоқда. Буни Андижон вилояти туман ва шаҳар Кенгашлари, хусусан, халқ депутатлари Шахрихон туман Кенгашидаги партия гуруҳи фаолиятида ҳам яққол кузатиш мумкин.

Ташаббускор депутатлар

партия дастурий мақсад-вазифаларини амалга ошириш орқали юрт равнақи ва халқ фаровонлигига ҳисса қўшишга интиломда

Жорий йилнинг тўққиз ойи давомида халқ депутатлари Шахрихон туман Кенгашидаги партия гуруҳи ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, хунармандчилик, оилавий тадбиркорлиқни қўллаб-қувватлаш, аҳоли турмуш фаровонлигини янада яхшилаш, ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама соғлом этиб тарбиялаш масалаларига алоҳида эътибор қаратишга интилди. Бу эса, ўз навбатида, аҳоли ўртасида партиянинг нуфузи ва электорат ишончининг мустаҳкамлашига асос бўлмоқда.

> 4-бет.



Мирза АЗИЗОВ, Ўзбекистон халқ артисти, Тожибар АЗИЗОВА, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист:

— Миллий кадрларимизни эъзозлаш, глобаллашув даврида халқимиз, айниқса, ёшларни турли мафкуравий таҳдидлардан ҳимоя қилишда санъатнинг ўрни беқиёс. Бу жараёнда фаоллик кўрсатиш, ёшлар тарбиясига муносиб ҳисса қўшиш, замонамиз қаҳрамонлари образини яратиш биз, санъаткорлар зиммасига катта масъулият юклайди.

Биз оиламиз билан "Миллий тикланиш"ни танладик. Сиз-чи?

Ушбу сонда:

ЎзМТДП қуйи ташкилотлари

фаолияти бугунги давр талабларига қай даражада жавоб бермоқда?



> 3-бет.

Мангуликка муҳрланган лаҳзалар

Ўзбекистон халқ рассоми, академик ўрол ТАНСИҚБОЕВ уй-музейидан репортаж



> 8-бет.

АҚШ парламенти

икки палатали бўлиб, Вакиллар палатасида 435 депутат, Сенатда 100 сенатор фаолият олиб боради



> 7-бет.



"Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!
 Нашр кўрсаткичи — 158

Фракция ҳаёти

Ҳуқуқий асосларни мустаҳкамлашга қаратилган қонун лойиҳалари

ЎзМТДП фракциясида қизгин муҳокама этилди

«Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Фракция аъзолари дастлаб иккинчи ўқишга тайёрланган "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳасини муҳокама қилди. Президентимизнинг 2014 йил 7 апрелдаги фармони билан тасдиқланган "2014-2015 йилларда Инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни рағбатлантириш самарадорлигини оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар Дастури" ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган мазкур қонун лойиҳаси акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимини янада яхшилашга қаратилган.

— Жорий йилнинг 20 февралда биринчи ўқишда қабул қилинган ушбу қонун лойиҳаси ўтган давр мобайнида кўп бор муҳокамадан ўтказилди, — деди ЎзМТДП фракцияси аъзоси Элдор Туляков. — Қонунчилик палатасидаги барча фракция, кўмита ва Экоҳаракат депутатлар гуруҳи аъзоларининг берган тақлифлари асосида янада такомиллаштирилди. Қонун лойиҳасидан унчи "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 52-моддаси талабларига мослаштириш мақсадида 51-модда бешинчи қисми чиқариб ташланмоқда. Мазкур бандда акциядорлар талаб қилиб олган дивидендлар жамият томонидан махсус ҳисобварақда уч йил мобайнида сақланиши, уларни хатлаш ёки жамият мажбуриятлари ҳисобига ундириш мумкин эмаслиги белгиланган. Бу эса юқоридаги қонунининг 52-моддаси талабларига мос келмайди. Мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган миллий иқтисодиётни ривожлантириш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш ҳамда бозорларимизни сифатли маҳсулот ва хизматлар билан таъминлашга қўллаб-қувватлаш сингари мақсад-вазифалар ижросида муҳим ўрин тутди.

Фракция аъзолари қонун лойиҳаси юзасидан ўз тақлиф-мулоҳазаларини билдирди, унда назарда тутилган қонунлар мамлакатда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни, жумладан, акциядорлик жамиятларини самарали қўллаб-қувватлашга қаратилганлиги, бу борада тизимли чора-тадбирлар кўзда тутилганлигини таъкидлаб мазкур қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда қўллаб-қувватлади.

Ийгилишда депутатлар муҳокамага иккинчи ўқишда ҳавола этилган "Акциядорлик жамиятларида замонвий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳам атофлича қўриб чиқилди. Президентимизнинг 2015 йил 24 апрелдаги "Акциядорлик жамиятларида замонвий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонида акциядорлик жамиятларида ҳорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш учун қулай шартлар яратиш, шунингдек, стратегик бозорларда акциядорларнинг ролини ошириш корпоратив бошқарув тизимини янада ривожлантиришнинг асосий вазифаларини эътиборга олинган. Мазкур фармон асосида ишлаб чиқилган қонун лойиҳасида "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги, "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги, "Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида"ги, "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги, "Сугурта фаолияти тўғрисида"ги қонунлар ва Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилмоқда.

— Акциядорлик жамиятлари акциядорлар тенг ҳуқуқлигини таъминлашда муҳим ўрин тутди, — деди ЎзМТДП фракцияси аъзоси Алишер Ҳамроев. — Қонун лойиҳасининг асосий вазифаларидан бири ҳам корпоратив бошқаруving замонвий услубларини, хусусан, ишлаб чиқариш менежменти, фаолиятнинг сармоядорлар учун шаффофлигини ошириш каби усулларни жорий этиш, акциядорлик жамиятлари фаолияти самарадорлигини кучайтиришдан иборат. Давлатимиз раҳбарининг "Акциядорлик жамиятларида замонвий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонида

акциядорлар ҳўжалик судига ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилгани ҳақида даъво аризаси билан мурожаат қилганда, уларга давлат божини тўлаш мuddати узайтирилиши ва бу бож айбдор томонидан ундирилиши, 2015-2018 йилларда барча акциядорлик жамиятлари йиллик молиявий ҳисоботни нашр этиши ҳамда халқаро аудит ва молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ ташқи аудитни ўтказиши белгиланган. Шунингдек, мазкур фармонда белгиланган акциядорлик жамиятлари бошқарув ходимлари сифатида жалб қилинган ҳорижий мутахассисларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш, уларнинг даромад солиқларини, шу билан бирга, фуқароларнинг Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига тўланадиган мажбурий сугурта бадалларига оид меъёрларидан келиб чиқиб, қонун лойиҳасига мувофиқ Солиқ кодексининг 179-, 308-моддаларига ўзгартиришлар киритилмоқда. Мухтасар айтганда, ушбу қонун лойиҳасида назарда тутилган қонунлар соҳадаги қонунчиликнинг тизимлигини таъминлаш, уларнинг меъёрлари ва ижро механизмларини бирхиллаштириш, акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув муносабатларини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишнинг тўлақонли бўлишига хизмат қилади.

Ийгилишда таъкидланганидек, ушбу қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида ЎзМТДП фракцияси аъзолари ҳам, фаол иштирок этиб, партия дастурий мақсад-вазифалари ҳамда электрот манфаатларидан келиб чиққан ҳолда бир қатор тақлифлар билдирди. Депутатлар тақдим этилган тақлифлар инobatта олинганини қайд этиб, қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда маъқуллади.

Ийгилишда, шунингдек, "Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда муҳокама қилинди. "Валютани тартибга солиш тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида"ги, "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги ва "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги қонунларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилмоқда.

— "Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида"ги қонунининг 9-моддасида валюта биржаси фаолиятини тартибга солиш Марказий банкка юклатилган, — деди кун тартибдаги масала юзасидан маъруза қилган ЎзМТДП фракцияси аъзоси Сиддик Намозов. — Бу эса Марказий банкнинг валюта биржаси фаолиятини тартибга солиш билан боғлиқ вазифаларини аниқлаштиришни тақозо этади. Шундан келиб чиқиб "Валютани тартибга солиш тўғрисида"ги қонунининг 10-моддасига валюта биржаси фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини олиш учун лицензиялаш тартибини белгилаш вақолатини Марказий банкка беришни кўзда тутувчи меъёр киритилмоқда. "Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида"ги қонунга киритилиши назарда тутилган ўзгартириш ва қўшимчалар мамлакатда валюта бозорини тартибга солишни янада такомиллаштириш, Марказий банк маъсулиятини янада оширишга қаратилган. Бир сўз билан айтганда, ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши ҳуқуқни қўллаш амалиётини мувофиқлаштириш, қонун ҳужжатларидаги биржа фаолияти билан боғлиқ масалалар бўйича ҳуқуқий зиддиятларнинг олдини олиш ва амалдаги қонунлар меъёрларининг бир хил талқин қилинишига хизмат қилади.

Фракция аъзолари ушбу қонун лойиҳаси юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, уни биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан маъқуллашди. Ийгилишда фракция вақолатига тааллуқли бошқа масалалар муҳокамасидан сўнг тегишли қарор қабул қилинди.

Мухтарама КОМИЛОВА, "Milliy tiklanish" мухбири

Ўқув-семинар



Хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий фаоллиги

фуқаролик жамияти шаклланиши, сиёсий партиялар фаолияти самарадорлигини оширишнинг муҳим омили

«Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Жумладан, тадбирлар ташкил этиш, янги лойиҳаларни яратиш ва ҳаётга татбиқ қилиш, чекка ҳудудларда ҳам аҳоли орасига чўқурроқ кириб бориб, тарғибот ишларини кучайтириш борасида ўз фаолиятини янги босқичга кўтариши лозим бўлган айрим партия ташкилотлари "Аёллар қаноти"га тегишли тавсиялар берилди.

Семинарни ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси ўринбосари Жалолиддин Сафоев кириш сўзи билан очди.

— Халқимиз аёл зотини садоқат, меҳр ва вафо, нафосат тимсоли сифатида эъзозлайди, — деди партия раиси ўринбосари. — Халқимиз қон-қонига сингиб кетган бу азалий қадрият истиқлол йилларида янги маъно-мазмун касб этди. Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ мамлакатимизда хотин-қизларнинг жамиятдаги роли ва нуфузини, ижтимоий-сиёсий фаоллигини мустаҳкамлаш борасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилди. Асосий қонунимиз — Конституциянинг алоҳида бобида оила, оналик ва болаликнинг давлат томонидан муҳофаза қилиниши масаласи мустаҳкамланди. Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини кучайтириш, улар манфаатини ҳимоя қилишга қаратилган 80 дан ортиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар аёлларга бўлган юксак эътиром ва эътибор намунасидир. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳам ўз дастурий мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, мамлакатимизда кечаётган ислохотлар жараёнида фаол иштирокини таъминлашга қўмақлашиш, жамиятнинг асосий бўғини саналмиш оила институтини мустаҳкамлаш борасида муайян саъй-ҳаракатларни амалга оширмоқда. Айни пайтда ЎзМТДП аъзоларининг қарийб 48 фоизини хотин-қизлар ташкил этаётгани ҳам партияимиз фаолиятида аёлларнинг ўрни ва роли ортиб бораётганидан далолат. ЎзМТДП сайловолди Платформасининг ҳар бир йўналишида белгиланган вазифалар бевосита хотин-қизлар, фарзанд тарбиясига қўллаб-қувватлаш, оилаларда маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг дастурий мақсад ва вазифаси ҳисобланади.

Семинарда ЎзМТДП фракцияси аъзолари Акмал Умрзоқовнинг "Аёлларнинг ҳуқуқий маданияти даражаси демократик жамият негизи ва ҳуқуқий тизим етуқлигининг белгисидир", Мухтабар Хусановнинг "Жамиятда аёллар манфаати ҳимоясининг ҳуқуқий асослари", ЎзМТДП Марказий кенгаши Ижроия қўмитаси девони бўлими бошлиғи Ҳанифа Зокированын "ЎзМТДП фаолиятида "Аёллар қаноти"нинг ўрни ва роли" мавзусидаги маърузаларни тингладим. Партия сайловолди Платформасида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш, аёлларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари билан ишлашда "Аёллар қаноти" фаолиятини янада кучайтириш юзасидан бир қатор тақлиф ва тавсиялар берилди. Фаолият самарадорлигига қаратилган амалий машғулот иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Семинар якунида муҳокама этилган масалалар юзасидан партия "Аёллар қаноти"нинг келгуси вазифалари белгилаб олинди.

Ўрни, "Алла" фестивали каби лойиҳалари муҳим ўрин тутди.

Биргина, "Донолик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони" республика кўрик-танлови воситасида ўтган йиллар мобайнида 5 мингдан ортиқ истеъдод эгалари кашф қилинди. Бугунги кунга келиб, уларнинг 14,1 фоизи давлат ва жамоат ташкилотларида, партия раҳбар органларида, 6,2 фоизи партия Марказий ҳамда ҳудудий ташкилотларида самарали фаолият юритмоқда. Уларнинг 38 фоизи Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда ҳалқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар депутатлигига номзод сифатида захирага олинган.

Бугунги кунда партия "Аёллар қаноти" сафида ўттиздан зиёд фан доктори, юздан ортиқ фан номзоди, Зулфия номидаги Давлат мукофоти, Президент стипендиаси совриндорлари, илм-фан ва бошқа турли соҳаларда ўз истеъдод ва иқтидорини намоён этаётган қўлаб хотин-қизлар партия дастурий мақсад ва голяларини амалга оширишда фаол иштирок этиб келмоқда.

Семинарда таъкидланганидек, мамлакатимизда мустақил тараққиёт йилларида хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилиниши масаласи мустаҳкамланди. Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини кучайтириш, улар манфаатини ҳимоя қилишга қаратилган 80 дан ортиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар аёлларга бўлган юксак эътиром ва эътибор намунасидир. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳам ўз дастурий мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, мамлакатимизда кечаётган ислохотлар жараёнида фаол иштирокини таъминлашга қўмақлашиш, жамиятнинг асосий бўғини саналмиш оила институтини мустаҳкамлаш борасида муайян саъй-ҳаракатларни амалга оширмоқда. Айни пайтда ЎзМТДП аъзоларининг қарийб 48 фоизини хотин-қизлар ташкил этаётгани ҳам партияимиз фаолиятида аёлларнинг ўрни ва роли ортиб бораётганидан далолат. ЎзМТДП сайловолди Платформасининг ҳар бир йўналишида белгиланган вазифалар бевосита хотин-қизлар, фарзанд тарбиясига қўллаб-қувватлаш, оилаларда маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг дастурий мақсад ва вазифаси ҳисобланади.

Семинарда ЎзМТДП фракцияси аъзолари Акмал Умрзоқовнинг "Аёлларнинг ҳуқуқий маданияти даражаси демократик жамият негизи ва ҳуқуқий тизим етуқлигининг белгисидир", Мухтабар Хусановнинг "Жамиятда аёллар манфаати ҳимоясининг ҳуқуқий асослари", ЎзМТДП Марказий кенгаши Ижроия қўмитаси девони бўлими бошлиғи Ҳанифа Зокированын "ЎзМТДП фаолиятида "Аёллар қаноти"нинг ўрни ва роли" мавзусидаги маърузаларни тингладим. Партия сайловолди Платформасида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш, аёлларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари билан ишлашда "Аёллар қаноти" фаолиятини янада кучайтириш юзасидан бир қатор тақлиф ва тавсиялар берилди. Фаолият самарадорлигига қаратилган амалий машғулот иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Семинар якунида муҳокама этилган масалалар юзасидан партия "Аёллар қаноти"нинг келгуси вазифалари белгилаб олинди.

Зебо НИҒМАТЖОНОВА, ЎзМТДП Марказий кенгаши Ижроия қўмитаси девони хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш масалалари бўлими етакчи мутахассиси:



— Мамлакатимизда хотин-қизларга кўрсатилаётган юксак эътибор уларни жамиятнинг барча жабҳасида фаол меҳнат қилишга, ўз салоҳияти ва иқтидорини намоён этишга, ҳар жиҳатдан соғлом авлодни тарбиялаб вояга етказишларига қанот бағишламоқда. Хотин-қизлар учун яратилган ҳуқуқий кафолатлар, давлат мукофотларининг таъсис этилгани уларни янги марралар сари ундамоқда. Бугунги кунда жами меҳнатга лаъқатли аёлларнинг 62 фоизи жамиятнинг деярли барча соҳасида фаолият юритаётгани ҳам шу эътибор самарасидир. Ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнида сиёсий партияларнинг ўрни ва роли ортиб бораётган бир пайтда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳам ўз сиёсатини амалга оширишда аёллар фаоллигига таянмоқда. Бугунги кунда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияимиз аъзоларининг 17 фоизини, халқ депутатлари вилоят Кенгашларидаги депутатларимизнинг 28 фоизини, туман, шаҳар Кенгаши депутатларининг 24 фоизини, бошланғич партия ташкилотлари етакчиларининг 56 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Бу эса партияимизда ташаббускор хотин-қизлар сафи кенгайиб, улар ҳам оила, ҳам жамият ишида фаол иштирок этаётганидан ёрқин далолатдир. Бугунги амалий ўқув-семинар партия "Аёллар қаноти" фаолиятига таъкидий-таҳлилий назар ташлаб, уни янги босқичга кўтаришга қаратилгани билан аҳамиятли бўлди.

Лайло МУҲИТДИНОВА, ЎзМТДП Тошкент шаҳар кенгаши Ижроия қўмитаси девони етакчи мутахассиси:



— Мамлакатимизда хотин-қизларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қаратилган ислохотлар жараёнида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг муносиб улуши бор, дейишга асосларимиз етарли. Чунки партия фаолиятида хотин-қизлар масаласига алоҳида эътибор қаратилгани боис бугун партияимиз сафида жамият ҳаётининг барча жабҳасида фаол меҳнат қилаётган, турли ютуқларни қўлга киритаётган аёллар сони ортиб бормоқда. ЎзМТДП Тошкент шаҳар кенгашида ҳам аъзолар сонининг қарийб 50 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Жорий йилнинг шу даврига қадар аёллар манфаатида қаратилган 350 га яқин тадбир ташкил этилиб, уларда 27 мингдан зиёд юртдошларимиз иштирок этди. Партияимиз дастурий мақсад-вазифаларни тарғибот, "Аёллар қаноти" фаолиятига қаратилган 250 материал оммавий ахборот воситаларида эълон қилинди.

"Аёллар қаноти" фаолиятини янада такомиллаштиришга қаратилган ўқув-семинарлар иш самарадорлигининг ошишида айни мuddао бўлмоқда. Бугунги семинар ҳам айни шу мақсадга қаратилди. Унда фаолиятимиз таъкидий таҳлил этилгани ҳар биримизни янада маъсулиятли бўлишга ундади. Узаро тажриба алмашиш, амалий машғулотлар кейинги фаолиятимизни жонлантиришда муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

Барно БОЛТАЕВА, "Донолик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони" кўрик-танловининг республика босқичи ғолиби:



— Хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва роли тобора ортиб бормоқда. Нозик қалб эгалари фарзанд тарбияси билан бир қаторда жамият тараққиётига ҳам муносиб ҳисса қўшаётди. Бугунги кунда хотин-қизлар фаоллиги ва ташаббускорлиги сиёсий партиялар фаолиятида ҳам буй кўрсатмоқда. ЎзМТДП томонидан жамиятда аёлларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, уларни сиёсий жараёнларга кенг жалб қилиш, истеъдодини рўёбга чиқариш мақсадида ҳар йили ташкил этиб келинаётган "Донолик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони" кўрик-танлови ҳам мамлакатимиз хотин-қизлари, маслаҳатдош опа-сингилларимиз ҳаётида муҳим ўрин тутмоқда. 2011 йилда мазкур кўрик-танловнинг республика босқичи ғолиби бўлган, илмий-амалий фаолият билан бир қаторда ЎзМТДП ҳаётида ҳам янада фаол иштирок этишга интиляган. Айни пайтда ЎзМТДП Жиззах вилоят кенгаши раиси ўринбосари сифатида фаолият юритиш билан бирга Жиззах давлат педагогика институти мустақил изланувчиси сифатида эришаётган ютуқларимиз партиявий билим ва тажриба катта мактаб вазифасини ўтамоқда.

Лайло ОРЗИЕВА, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори, ЎзМТДП фаоли:



— Ҳаётини қарашларим, ўз олдимга қўйган мақсадларим Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси голяри билан ҳамохан бўлгани боис ушбу партияга аъзо бўлганман. Мен ҳам тенгдошларим сингари мустақиллик берган чексиз имкониятлардан унумли фойдаланишга интиляётган ёшлар сафида эканимдан фахрланаман. Сиёсий билимларимни бойитиш, юрт тараққиётига муносиб ҳисса қўшиш мақсадида олий ўқув юртида таҳсил олиш билан бирга жамоат ишларида ҳам фаол иштирок этишга, ЎзМТДП тарғиботида ташаббускор бўлишга ҳаракат қилганман. ЎзМТДПнинг аёллар ва ёшлар йўналишидаги йирик лойиҳалари тенгдошларим ҳам бефарқ қолдирмаётгани тарғибот тадбирларида улар билдираётган фикр-мулоҳазаларда яққол намоён бўлмоқда. Партия ёшларни ватанпарварлик, истиқлол ғоясига, азалий қадриятларимизга содиқлик руҳида тарбиялаш, улар қалбида миллий гурур йўғотиш билан бирга бой меросимизнинг ҳақиқий тарғиботчиси, замонвий билимлар эгаси сифатида тарбиялашни ҳам мақсад қилган. Шу руҳда камол топаётган навқирон авлод, шубҳасиз, юртимиз порлоқ келажагининг ҳақиқий ворислари, ажодларимизнинг муносиб давомчиси бўлиб вояга етади.

Шоҳида ДАМАНОВА, "Milliy tiklanish" мухбири

Таҳлил

ЎзМТДП қуйи ташкилотлари

фаолияти бугунги давр талабларига қай даражада жавоб бермоқда?



Шиддат билан одимлаётган бугунги давр сиёсий партиялар ва уларнинг барча даражадаги ташкилотларидан ўз электроти манфаатини изчил ҳимоя қилиш, уларни ўйлантираётган масалаларни ўз вақтида ўрганиш ва ҳал этиши, шу орқали сайловчилар ишончини қозониши тақозо этмоқда. Бу, айниқса, бошланғич партия ташкилотларидан алоҳида масъулиятни талаб этади. Чунки сиёсий партиянинг жамиятдаги ўрни, аҳоли орасидаги нуфузи кўп жиҳатдан қуйи бўғинларнинг фаолияти билан чамбарчас боғлиқ.

Бошланғич партия ташкилотлари — партиянинг энг қуйи бўғини. Шу боис аҳоли, энг аввало, ушбу таянч бўғин билан бевосита мулоқотда бўлади. Бошланғич ташкилот аъзоларида партия гоё ва мақсадларини тарғиб қилиш, электроти ни ўйлантираётган масалаларни ўрганиш, уларни ҳал қилишда асосий ташаббускор бўлиш имконияти мавжуд. Бунда партия ташкилотлари ва гуруҳлари кўмагидан фойдаланиш яхши самара бериши таъжирбада ўз исботини топган. Бошланғич партия ташкилотлари воситасида электрот муаммоларига ечим топиш, аҳоли ўзини қизиқтираётган масалаларга жавоб олиш учун қуйи бўғинга мурожаат қилиши сиёсий партия нуфузини белгиловчи муҳим омил ҳисобланади. Мана шу мезонга асослан ҳаёт фаолият юритган бошланғич партия ташкилотига партиянинг бош таянчи, гоёларининг фаол тарғиботчиси, сайловолди Платформасини амалга оширувчи ташаббускор кучга айланади.

Шу боис ҳам Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси қуйи бўғинлар фаолиятини жонлан-тириш, уларни қўллаб-қувватлаш, етакчилар сиёсий-ҳуқуқий билим-

ларини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Ҳўш, бу эътиборга бошланғич партия ташкилотлари муносиб жавоб бера оляптими? ЎзМТДП дастури ва сайловолди Платформасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, партия гоёларини аҳолининг кенг қатламлари орасида тарғиб қилиш ва ўз сафига аъзолар қабул қилиш борасида қуйи бўғинлар қандай ишларни амалга оширмоқда? Қуйи бўғинларнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ҳамда электрот манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган тарғибот ишларининг самарадорлиги талаб даражасидами?

Маъмур саволларга жавоб топиш мақсадида ҳудудий партия ташкилотларига мурожаат қилганимизда айни пайтда партия вилоят кенгашларида қуйи бўғинлар фаолиятини жонлан-тиришга қаратилган семинар-тренинглари олиб борилаётгани, бу эса яхши самара бераётганини гувоҳ бўлдик. Ҳозирда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг бошланғич ташкилотлари сони 5541 тани ташкил этмоқда. ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларида бошланғич партия ташкилотлари сонини кўпайтириш ва улар фаолияти сифатини янада ошириш бўйича амалга оширилаётган ишлар таҳлили жойларда эришилган натижалар билан бирга муайян камчиликларга ҳам йўл қўйилаётганини намойён этди. Масалан, ҳозирги кунда Қашқадарё вилоятида қуйи бўғинлар сони 550 тани ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 169 тага кўпайган. Навоий вилоятида эса 507 бошланғич партия ташкилоти фаолият юритаётди, бу ўтган йилга нисбатан 40 та кўп. Сурхондарё вилоятида бошланғич партия ташкилотлари 442 тани ташкил этиб, ўтган 2014 йилга нисбатан 38 тага кўпайган. Бирок, Фарғона вилоятида ўтган давр мобайнида атиги 1 та, Сирдарё ва Андижон вилоятлари эса 3 та бошланғич партия ташкилоти тузилиганини қандай изоҳлаш мумкин? Айни шу ҳолатни Самарқанд вилоятида ҳам кузатиш мумкин.

— Мамлакатимизда барча соҳада кечяётган изчил ислохотлар самараси ўларок, жамиятда сиёсий партияларнинг мавқеи, улар зиммасидаги

масъулият ҳам тобора ортиб бормоқда, — дейди ЎзМТДП Марказий кенгаши Ижроия кўмитаси девонни ташкилий-партиявий ва кадрлар масалалари бўлими бошлиғи Ҳусниддин Ражабов. — Бу эса, айниқса, электрот билан бевосита ишловчи қуйи бўғинларнинг партия сайловолди Платформасидаги вазифаларни амалга ошириш, электрот манфаатини ҳимоя қилиш, уларни ўйлантираётган муаммоларни ҳал этиш, партия сафини ташаббускор аъзолар ҳисобига кенгайтириш борасидаги фаолиятини бугунги кун талаби даражасига кўтаришни тақозо этмоқда. Таҳлиллар партиянинг аҳолига энг яқин бўғини ҳисобланган бошланғич партия ташкилотлари жамият ҳаётининг турли жабҳаларида амалга оширилаётган муҳим воқеалардан аҳолини хабардор қилиш, қабул қилинаётган қонунлар мазмун-моҳиятини тушунтириш, ЎзМТДП гоёларини кенг тарғиб қилишга қаратилган фаолиятда жонланаш рўй бераётганини кўрсатаётди. Бошланғич партия ташкилотлари ЎзМТДП дастурий мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, электрот манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маданий-гуманитар соҳаларга оид муҳим масалаларни ўрганиш, уларни ҳал қилишга эътибор қаратмоқда. Жорий йилнинг шу даврига қадар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги мавжуд барча бошланғич партия ташкилотлари электрот манфаатларига қаратилган 1000 дан ортик масалани кўриб чиққан.

— Ҳар чорак бошида ишлаб чиқилган қуйи бўғинлар иш режасининг ҳаётийлигига алоҳида эътибор қаратаймиз, — дейди ЎзМТДП Қашқадарё вилоят кенгаши етакчи мутахассиси Тўйғун Дўстқобилов. — Қуйи бўғинлар йиғилишларида фуқаро мурожаати билан ишлаш, маънавий-маърифий тадбирлар савиясини кўтариш, аъзолар бадалларининг ўз вақтида тўлиниши, оммавий ахборот воситаларида партия гоёлари тарғиботга қаратилган чиқишлар таҳлил этилади. Бу фаолият самарадорлигига муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бугун ЎзМТДП бошланғич партия ташкилотлари томонидан миллий тикланиш гоёсини кенг тарғиб қилиш, ёшларни ҳар томонлама соғлом инсонлар қилиб тарбиялаш, улар бандлигини таъминлаш, оилавий тадбиркорлик ва хунармандчиликни ривожлантириш, оила қадриятларини мустаҳкамлаш, тарихий қадамга ва маҳаллаларда атроф-муҳитнинг файзли, обод ва саришталигини таъминлаш борасида муайян ишлар олиб борилмоқда. Бунда қуйи бўғинлар партия ташкилотларининг "Ёшлар қаноти" ва "Аёллар қаноти" етакчилари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари аъзолари кўмагига таянмоқда. Қувонарлик, партия гоёлари, дастурий мақсад-вазифаларини ҳаётга таъбиқ этишга қаратилган аксарият ташаббуслар қуйи бўғиндан чиқмоқда.

— ЎзМТДП Марказий кенгаши Пленумида бошланғич партия ташкилотларини тузиш ва уларнинг самарали фаолиятини таъминлаш бўйича Сирдарё вилоятида сусткашликка йўл қўйилаётгани танқид

қилинган эди, — дейди халқ депутатлари Гулистон шаҳар Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат Нилуфар Эргашева. — Бундан тўғри хулоса чиқариб, партия вилоят кенгашида қуйи бўғинлар фаолиги ва ташаббускорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар режаси белгиланди. Айни пайтда вилоятимизда мавжуд барча бошланғич партия ташкилоти мана шу режа асосида иш олиб боришга ҳаракат қилмоқда. Бунинг самараси ўларок, яқинда вилоят Ахборот-ресурс маркази қошидаги қуйи бўғин фаоллари ЎзМТДП Сирдарё вилоят кенгашига янги ташаббус билан чиқди. Шаҳардаги фуқаролар йиғинлари, қорхона ва муассасаларда кўча кутубхоналар ташкил этиш ташаббусини партия вилоят кенгаши қўллаб-қувватлаб, бу борада амалий ишлар бошлаб юборилди. Қуйи бўғин фаоллари томонидан маҳалла фуқаролар йиғинлари, ташкилот ва муассасаларни китоблар билан таъминлаш, уларни ҳар ҳафтада янгигоҳ алмаштириб бериш йўлга қўйилди. Қуйи бўғин фаолларининг ушбу ташаббусидан электрот вакиллари мамнун. Партияимиз сайловолди Платформасида ҳам бу масалага алоҳида эътибор қаратилган. Бундан, биринчи навбатда, электротимиз манфаатдор. Айни пайтда Гулистон шаҳрининг бошқа маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллари ҳам депутатларга, партия ташкилотларига бу ташаббусни барча маҳаллада амалга ошириш таклифи билан мурожаат қилмоқда. Аҳоли мурожаатини ўрганиб, партия шаҳар кенгаши ва депутатлар ҳамкорлиқда мазкур ташаббусни вилоят бўйича оммалаштириш ва фуқаролар йиғинларида кўчма кутубхоналар ташкил этиш масаласини сессия кун тартибига киритишни режалаштирган.

Тарғибот ишлари ҳам бошланғич партия ташкилотлари фаолиятида муҳим аҳамиятга эга. Чунки аҳоли партиянинг тарғибот тадбирлари орқали унинг гоё ва мақсадларига хайрихоҳлигини, партияга аъзо бўлиш истагини билдиради. Мазмун-моҳияти жиҳатдан мукаммал, фуқароларни жамиятда амалга оширилаётган ўзгариш ва янгилишлар жараёнида фаол иштирок этишга ундовчи, миллий қадрият ва аънаваларимизни улуғловчи, аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий маданияти юксалишига хизмат қиладиган тадбирлар ташкил этиш воситасида партия сафини ҳар жиҳатдан фаол маслақдошларимиз билан кенгайтиришда фаоллик кўрсатаётган бошланғич партия ташкилотлари ҳам талай. Тадбирлар самараси эса партия хайрихоҳлари сони ортиб бораётганида намойён бўлаётди.

Мухтасар айтганда, аҳолининг сиёсий фаолиги, ҳуқуқий маданияти, ислохотларга дахлдорлик туйғуси юксалишида сайловчиларга энг яқин ҳисобланган қуйи бўғинлар ташаббускорлиги муҳим аҳамиятга эга. Чунки, партиялараро рақобат шароитида фуқаролар ўзига энг яқин бўлган, гоёлари халқлик, фаолият электрот манфаатига хизмат қилувчи партиягагина хайрихоҳлик билдиради.

Шоҳида МИРЗАЕВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

"Конституция — суверен ва демократик давлат пойдевори" танловига

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқ-эркикларини, унинг шаъни, қадр-қимматини ҳимоя қилишга олиқ қадрият сифатида эътибор қаратилади. Бу борада қабул қилиниб, ҳаётга изчил таъбиқ этилаётган қатор қонунлар ва қонуности ҳужжатлари миллати, дини, ижтимоий келиб чиқишдан қатъи назар, фуқаролар қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда катта аҳамият касб этмоқда.

Бу инсон омилни устувор саналган мамлакатимизда истиқомат қилувчи ҳар бир юртдошимиз калбини фахр-ифтихорга тўлдирди. Ватан тақдирига дахлдорлик ҳиссини янада кучайтириши табиий. Зотан, инсон қадр-қиммати ҳар нарсадан устун. Инсон шаънини ҳимоя қилишга, унинг ҳуқуқларини таъминлашга хизмат қиладиган қонунларимиз нафақат халқро ҳуқуқ меъёрларига, балки миллий қадриятларимизга чуқур ҳурмат рамзи бўлса, иккинчи томондан соғлом жамиятни шакллантиришнинг шарқона усулидир. Чунки оилага эътибор жамиятга эътибор демакдир. Соғлом жамият эса мамлакат тараққиётини, унинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини белгилайди. Истиқлолнинг дастлабки йилларидан танабб олган ана шу концепция эришаётган муваффақиятларимизнинг бош омилдир. Она ва бола саломатлигини асраш, ҳар томонлама соғлом авлодни воюга ет-

Шунингдек, Конституцияимизда миллий қадриятларимизнинг яна бир муҳим бўғини "оила" тушунчасига ҳам алоҳида тўхталиб ўтилган. 63-моддада оила жамиятнинг асосий бўғини, жамият ва давлат муҳофазасида бўлиши, никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлилигига асослангани белгилаб қўйилган. Бу бир тарафдан миллий қадриятларимизга чуқур ҳурмат рамзи бўлса, иккинчи томондан соғлом жамиятни шакллантиришнинг шарқона усулидир. Чунки оилага эътибор жамиятга эътибор демакдир. Соғлом жамият эса мамлакат тараққиётини, унинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини белгилайди. Истиқлолнинг дастлабки йилларидан танабб олган ана шу концепция эришаётган муваффақиятларимизнинг бош омилдир. Она ва бола саломатлигини асраш, ҳар томонлама соғлом авлодни воюга ет-

Асосий қонун

миллий қадриятлар ҳимоячиси

казиш, уларнинг таълим олиши учун барча шароитни яратиб бериш кўп жиҳатдан оилаларга берилаётган эътибор ва гамхўрлик самарасидир. Конституцияимизда оила тушунчасига алоҳида ўрин берилгани оилавий қадриятларни асрашга ҳам хизмат қилаётди.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳам миллий ҳуқуқшунослик тажрибасидаги ана шу ютуқларни қўллаб-қувватлаш ва янада бойитиш тарафдори. Партия нуктаи назарича миллий руҳ устувор қонунлар ўша миллатнинг тараққиётига хизмат қилади. ЎзМТДП оиланинг жамиятдаги ўрни янада мустаҳкамлаш, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқроқ белгилаш, оила институтини давлат томонидан қўллаб-қувватлашни янада ривожлантириш тарафдори. Шунинг учун партия сайловолди Платформасида бу масалага алоҳида эътибор қаратилган. Мамлакатда оилаларни мустаҳкамлаш ва оилавий қадриятларни асраш, ривожлантириш ёш оила-

ларга гамхўрликни ошириш, уларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, соғлом ва мустаҳкам оилалар сонини янада кўпайтириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш бўйича олиб борилаётган кенг қўламли ишларга кўмаклашиш партиянинг яқин беш йилликдаги устувор вазифаларидан саналади. Шу боис партия ташкил этаётган тарғибот ишларида аҳолига, электротимиз вакилларига Конституцияимиз мазмун-моҳияти, унинг ҳаётимиздаги аҳамиятини ЎзМТДП гоёлари, мақсад-вазифалари билан боғлаган ҳолда тушунтирилмоқда. Зеро, миллий қадриятларимизга асосланиб яратилган, инсон шаъни, қадр-қиммати устувор бўлган Асосий қонунимиз бизни ёрқин келажақ сари чорлайди, йўлимизни йўлчи олдудек нурафшон этиб туради.

Жавохир ТУРСУНОВ,
ЎзМТДП Иштихон туман кенгаши
"Ёшлар қаноти" етакчиси

Она тили — миллат руҳи

бу гоё партия ўтказётган тадбирларнинг бош мавзусига айланди

Навоий

ЎзМТДП Хатирчи туман кенгаши "Аёллар қаноти", "Ёшлар қаноти" ҳамда "Маҳалла" хайрия жамоат фонди туман бўлими ҳамкорлигида "Ёшлар "оммавий маданият"га қарши" мавзусида маънавий-маърифий тадбир ташкил этилди.

— Тадбирдан кўзланган асосий мақсад — ёшларни маънавиятимизга ёт гоёвий таъсир ва хуружлардан ҳимоя қилиш, уларда мустаҳкам мафқуравий иммунитетни шакллантиришдан иборат, — деди ЎзМТДП Хатирчи туман кенгаши раиси Исомиддин Маҳмудов. — Бунинг учун ёшларни билимли, ақлзаковатли, иродали, ўз фикрига эга бўлиши, бу каби тадбирлар воситасида юртимиз тарихи, миллий қадриятларимиз ҳамда улуг аждодларимиз қолдирган бебаҳо илмий ва маънавий меросни улар онгига мунтазам сингдириб боришимиз лозим. ЎзМТДП сайловолди Платформасида ҳам халқимизга ёт ва ёш авлод онги учун зарарли бўлган "оммавий маданият"нинг салбий таъсиридан ёшларни муҳофаза қилиш мақсадида уларни миллий тикланиш гоёси, миллий маданият ва қадриятларини эъзозлаш руҳида тарбиялаш вазифаси белгиланган. Партия гоёлари тарғиботини кенгайтиришда, фуқаролар сиёсий билимларини оширишда бу каби тадбирларнинг ўрни беқиёс.

Тадбир баҳс-мунозарага бой, қизгин тарзда ўтди, иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди.

Фарғона

ЎзМТДП Риштон туман кенгаши "Аёллар қаноти" "Ватан — саждагоҳ каби муқаддас" мавзусида давра суҳбати ташкил этди. Унда ЎзМТДП Риштон туман кенгаши аъзолари, "Аёллар қаноти" ҳамда "Ёшлар қаноти" фаоллари, халқ депутатлари туман Кенгаши депутатлари, маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари ва ёшлар иштирок этди.

Таъкидланганидек, истиқлол йилларида ўсиб келаётган ёш авлодни Ватанга муҳаббат, юртга садоқат руҳида тарбиялаш, уларни соғлом, билимдон, қомил инсонлар қилиб воюга етказиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Мустақилликнинг ўтган қисқа даври мобайнида буюк алломаларга бешик бўлган, инсоният тамаддунига муносиб ҳисса қўшган юртимиз асрларга татигулик ютуқларни қўлга киритди. Ана шу янгилашни ва бунёдкорлик ишларини ёш авлод онгу-шуурига сингдиришда, уларни юрт тақдирига дахлдор қилиб тарбиялашда бу каби тадбирларнинг аҳамияти юксак.

Тошкент вилояти

ЎзМТДП Тошкент вилоят ва Бекобод туман кенгашлари, Маънавият тарғибот маркази вилоят бўлими "Тил, тараққиёт ва маънавият" мавзусида маънавий-маърифий тадбир ўтказди.

— Инсон аввало, ўз она тилини мукаммал билсагина бошқа тилларга ҳурмат билан қарайди, бошқа тилни ҳам муҳаббат билан ўрганади, — деди ЎзМТДП Тошкент вилоят кенгаши раиси Маҳмуд Назаров. — Бугун ўзбек тили жаҳон миқёсида ўз ўрнига эга бўлди. Айниқса, ўзбек миллий кураши бўйича ўтказилаётган халқаро мусобақаларда ўзбекча сўзлар айтилганда, анжуманларда Ватанимиз мадҳияси янраганда она тилимиз сеҳрини чин дилдан ҳис этамиз ва ғурурланамиз. Ўрни келганда айтиш жоиз, партия сайловолди Платформасида давлат тилини бойитиш ва янада такомиллаштиришга, тил маданиятини, ўзаро муомала сифатини юксалтиришга йўналтирилган чора-тадбирлар мажмуасини ишлаб чиқиш, оммавий муомалада ўзбек адабий тили меъёр ва қоидаларини бузилишининг олдини олишга қаратилган аниқ мақсадли ишларни амалга ошириш каби устувор вазифалар белгиланган. Бу каби тадбирлар ёшлар орасида саводхонликни оширишга, уларга тил маданияти қоидаларини янада мукаммал ўргатишга ҳамда партия сайловолди Платформасини ҳаётга таъбиқ этишга хизмат қилади.

Тадбирда депутатлар, ижодкорлар, устоз-мураббийлар мавзу юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Жиззах

ЎзМТДП Жиззах вилоят кенгаши ҳамда вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти ҳамкорлигида "Тил — миллат ойнаси" мавзусида адабий-бадиий тадбир ташкил этилди. Унда тилшунос олимлар, профессор-ўқитувчилар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

— Давлатимиз раҳбарининг "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарига таъкидланганидек, жамики эзгу фазилатлар инсон қалбига, аввало, она тилининг бетакрор жозибаси билан сингади, — деди ЎзМТДП Жиззах вилоят кенгаши раиси Ғайрат Қодиров. — Боиси она тилимиз қадим маданиятимиз, бой тарихимиз, буюк аждодларимизнинг улкан адабий мероси билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, унинг тараққиётимиздаги ўрни ва аҳамияти беқиёсдир.

Тадбирда филология фанлари номзоди, навоийшунос олим Ваҳоб Раҳмоновнинг "Баркамол авлод — келажақимиз ворислари", институт проректори Мария Мусурмонованинг "Нутқ — инсон маънавиятининг кўзгуси" мавзусидаги маърузаларида она тилимизни янада ривожлантириш ва такомиллаштириш, уни нафақат расмий тил, балки миллий маданиятимиз ва маънавиятимизнинг тарихий қисми сифатида кенг тарғиб қилиш масалалари изчил таҳлил қилинди.

Тадбирда ўзбек тилининг беқиёс имконияти, гўзаллиги ва жозибасини тараннум этувчи шеърлар ўқилди.

Самарқанд

ЎзМТДП Каттақўрғон шаҳар кенгаши ташаббуси билан шаҳар "Қамолот" ЁИХ, Хотин-қизлар кўмитаси, Маънавият тарғибот маркази шаҳар бўлимлари билан ҳамкорлиқда "Китобнинг ёшлар маънавиятини шакллантиришдаги ўрни ва аҳамияти" мавзусида китобхон ўқувчи-ёшлар, партия аъзолари ва фаоллари иштирокида тадбир ўтказилди.

Тадбирда ёшларда китоб мутолаасига қизиқишни ошириш, китобхонлик маданиятини юксалтириш, ёш ижодкорларни қўллаб-қувватлаш, навқирон авлодни Ватанга муҳаббат, истиқлол гоёларига сadoқат, миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашда аънавий ўтказиб келинаётган китоб байрами каби тадбирлар муҳим аҳамият касб этаётгани таъкидланди.

— Инсон ҳаётида китобнинг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир, — деди ЎзМТДП Каттақўрғон шаҳар кенгаши раиси ўринбосари Маҳлиё Хўжаева. — Китобга муҳаббат, уни қадрлаш, ўқишга иштиёқ халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган қадриятдир. Халқимиз илм ва фан, адабиёт ва санъатга оид нодир қўлэмалари, адабиётлари билан ҳақли равишда ғурурланади. Бу каби тадбирлар ёшларда бой илмий ва адабий меросимизга қизиқиш ва меҳрини, китоб ўқишга бўлган иштиёқнинг янада кучайишида муҳим аҳамиятга эга.

Тадбирда ёш авлоднинг китобга бўлган муҳаббати, энг аввало, оилада шаклланиши, бу эса ҳар бир ота-онадан эътибор талаб этиши таъкидланди.

Ойдин АЛИМАРДОНОВА
"Milliy tiklanish" мухбири

Кўмита йиғилиши



Фуқаролик жамияти институтлари

мамлакатни демократлаштириш жараёнининг фаол иштирокчисига айланмоғи лозим

Мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини янада ривожлантириш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг эркин фаолият юртишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Шу боис айни пайтда уларнинг сони 8 мингдан зиёдни ташкил этаётир.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитаси томонидан ўтказилган конференцияда мамлакатни ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий ривожлантириш борасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги сиёсий партия фракцияларининг фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорлиги, бу борада эришилаётган муваффақиятлар, эътибор қаратилиши лозим бўлган масалалар атрофида муҳокама этилди.

Ўртимизда демократик ислохотлар тобора чуқурлашиб, парламент ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг ваколатлари кенгайиб, масъулияти ортиб бормоқда. Бу борада 2007 йилда "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги конституциявий қонун қабул қилинган, кейинроқ Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида Конституциямизга, "Сиёсий партиялар тўғрисида"ги қонунга киритилган қатор ўзгариш ва қўшимчалар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Қонунчиликда сиёсий партиялар фракцияларининг ҳуқуқий мақоми, жумладан, парламентдаги кўпчилик ва парламентдаги муҳолифат ваколатлари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳларининг ҳуқуқлари ва фаолияти кафолатлари аниқ белгиланган. Буларнинг барчаси мамлакатимизда кўппартия-

вийлик тизимини мустаҳкамлаш, фуқаролик жамияти институтларини янада ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Йиғилишда сиёсий партиялар фракциялари, маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигини янада кучайтириш мақсадида муайян ишлар амалга оширилаётгани ҳақида сўз борди. Бу ҳамкорлик самарадорлигини янада кучайтириш, партия фракцияси, маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари, Қонунчилик палатаси кўмиталари ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги доимий комиссиялар ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатиш, уларнинг ўзаро биргаликда амалга ошираётган ишлари, депутатларнинг аҳоли ва электрот муаммоларини ҳал этишга қаратилган аниқ ташаббус ва таклифларини жамоатчиликка мунтазам етказиб бориш зарурлиги таъкидланди. Бу жараёнда, айниқса, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари имкониятидан самарали фойдаланиш муҳим аҳамият касб этиши эътироф этилди.

Соҳага доир қабул қилинган ўнга яқин қонунчилик ҳужжатлари, хусусан, "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги қонуннинг янги таҳрири, "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги қонун ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, фуқароларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, жамиятимизда манфаатлар мувозанатини таъминлаш каби энг муҳим вазифаларни ҳал этишда фуқаролик жамияти институтларининг роли ва аҳамиятини янада кучайтирди.

Президентимиз Олий Мажлис па-

латаларининг кўшма мажлисида қонунлар ижросини таъминлаш, жамоатчиликни парламент палаталарининг қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил фаолиятдан ҳар томонлама хабардор қилиб бориш муҳим вазифа эканини алоҳида қайд этган эди. Бу жараёнда, энг аввало, партия фракциялари, маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари ва партия ташкилотларининг фуқаролик жамияти институтлари билан илҳам қилмоқда. Шу ўринда бир таклиф: мазкур жараёнларда чиқарилган муайян ҳулосалар парламент кўмиталарига ҳам тақдим этилса, фойдадан холи бўлмайдди. Бу айнан қайси масалалар юзасидан парламент назоратини кучайтириш зарурлиги ҳақида ҳулосалар чиқарилишига имкон беради.

Мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантириш, нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини яратиб, фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш механизмларини такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Биргина Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ташкил этилганидан буён ННТни ривожлантиришга давлат бюджети маблағлари ҳисобидан 45 миллиард сўм ажратган. Шу мақсадда ажратилган сармоя ҳажми 2009 йилда 4 миллиард сўмни ташкил этган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 10 миллиард сўмга етди.

Азамат ПАРДАЕВ, ЎзМТДП фракцияси аъзоси:

— Қабул қилинаётган қонунларнинг мазмун-моҳиятини сайловчиларга етказиш, уларнинг фикр-мулоҳазаларини мунтазам ўрганиб бориш фракция аъзоларининг ўз сайлов округларидаги фаолиятининг ёрқин намуналаридан бири ҳисобланади. Бу жараён партия фракцияларида фуқаролик жамияти институтлари билан мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатишда яна бир йўл очади. Мазкур учрашувларда фуқаролардан тушган таклиф-мулоҳазалар доимий эътибор марказида бўлиши

керак. Буни ўзига хос ахборот алмашиш механизми сифатида баҳолаш мумкин. Мана шу механизм қанчалик пухта ва самарали ишласа, қонунлар ҳаётга айтилганга қараб қабул қилинса, уларнинг самараси ва таъсири шунчалик кучли бўлади. Энг муҳими, аҳолида қандай қонун қабул қилинаётгани, қандай ҳуқуқ ва имкониятлар берилаётгани ҳақида ёрқин тасаввур ва тушунча ҳосил бўлади. Шу ўринда 2013 йилда Бухоро ва Самарқанд вилоятларида "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги қонун лойиҳаси юзасидан ўтказилган ҳуқуқий экспериментда фуқаролардан, ННТлар ва бошқа жамоат ташкилотларидан юзлаб таклиф-мулоҳазалар олинганини ёдга олиш жоиз. Бунинг натижасида мазкур қонун лойиҳаси янада такомиллашди.

Яна шунини алоҳида таъкидлаш жоиз, маҳаллий Кенгашлар доимий комиссияларида, сессияларда долзарб ижтимоий масалалар кўриб чиқилмоқда. Қонунчиликка мувофиқ, маҳаллий ҳокимликлар, мутасадди раҳбарларнинг ахборот ва ҳисоботлари тингланмоқда, уларнинг яқунлари бўйича тегишли қарорлар қабул қилинмоқда. Шу ўринда бир таклиф: мазкур жараёнларда чиқарилган муайян ҳулосалар парламент кўмиталарига ҳам тақдим этилса, фойдадан холи бўлмайдди. Бу айнан қайси масалалар юзасидан парламент назоратини кучайтириш зарурлиги ҳақида ҳулосалар чиқарилишига имкон беради.

Ғайрат ҚОДИРОВ, ЎзМТДП Жиззах вилоят кенгаши раиси:

— Халқ депутатлари Жиззах вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги ЎзМТДП гуруҳлари партия фракцияси, жойлардаги мутасадди қорхона ва идораларнинг вакиллари билан ҳамкорликда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли ва электрот муаммоларини ҳал этишга қаратилган аниқ ташаббус ва таклифлар билан депутатлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширилмоқда. Биргина Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ташкил этилганидан буён ННТни ривожлантиришга давлат бюджети маблағлари ҳисобидан 45 миллиард сўм ажратган. Шу мақсадда ажратилган сармоя ҳажми 2009 йилда 4 миллиард сўмни ташкил этган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 10 миллиард сўмга етди.

Партия вилоят ҳамда туман ва шаҳар кенгашларида амалга оширилаётган барча тарғибот тадбирлари фуқаролик жамияти институтлари, айниқса, маҳаллалар билан ўзаро ҳамкорликда ташкил этилаётган. Зеро, ЎзМТДП сайловолди Платформасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг вазифаларини кенгайтириш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, мустақиллигини кучайтириш, маҳалланинг, айниқса, эгзу урф-одат ва анъаналарни асраб-авайлаш ва ривожлантириш борасидаги фаолиятини кучайтириш масаласи алоҳида вазифа этиб белгиланган. ЎзМТДП Жиззах вилоят кенгаши бу борадаги ишлар самарадорлигини келгусида янада оширишга ҳаракат қилади.

Умида УЗОҚОВА, "Milliy tiklanish" мухбири

гашига ЎзМТДПдан сайланган депутат Муқаддас Исоқова фаолиятини аҳоли мамнуллигини эътироф этди: "Мана шу сиз кўриб турган артезиан кудуқлардан оқаётган зилол сувнинг маҳалламизга келтирилишида Муқаддасхоннинг хизмати катта. Сув қувурларининг эскиргани баъзан ичимлик суви таъминотида айрим муаммоларни келтириб чиқарган эди. Анчадан буён бизни ўйлантириб келаётган ушбу масалани ижобий ҳал этиш мақсадида Муқаддас Исоқова тегишли ташкилотларга депутатлик сўрови билан мурожаат қилди. Натижада маҳалламиздаги барча сув қувурлари янгиланиб, аҳоли тоза ичимлик суви билан таъминланди".

Ҳа, аҳоли ўзи сайлаган депутатлар фаолияти қандай кечаётгани, уларга берган ваъдалари қандай ижро этилаётгани, ўз ваколатидан қай даражада фойдаланаётганини мунтазам кузатиб боради. Юқорида келтирилган мисоллар халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга ЎзМТДПдан сайланган депутатларнинг аҳоли турмуш-тарзидан хабардор бўлаётгани, электрот мурожаатларида алоҳида эътибор қаратаётганини далиллади. Бирок депутатларимиз эришилган натижалар билан чегараланиб қолмай, ҳамisha фаол, ташаббускор, аҳоли турмуш фаровонлиги йўлида жонкуяр бўлмоғи, улар фаолияти партия Дастури ва сайловолди Платформасида белгиланган вазифаларни самарали бажариш ва шу орқали юрт тараққиёти, халқ фаровонлигини таъминлашга қаратилмоғи лозим.

Замира РЎЗИЕВА, "Milliy tiklanish" мухбири

Депутат минбари

Давр билан ҳамнафаслик

амалий ишларга йўл очади

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Жорий йилнинг 23 январида Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг кўшма мажлисидаги нутқида мамлакатимизда кўппартиявийлик тизимини изчил ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, бу борада сиёсий партиялар, уларнинг фракциялари ва маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари ташаббускорлигини ошириш, депутатларнинг ўз сиёсий партиялари нуктаи назари ва электрот манфаатларини ҳимоя қилишига доир вазифаларига алоҳида эътибор қаратди. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясида халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайланган 15 нафардан иборат партия гуруҳи давлатимиз раҳбарининг ана шу кўрсатмалари асосида, зиммасидаги юксак масъулиятни теран ҳис қилган ҳолда фаолият олиб боришга интиломоқда.

Партия гуруҳимиз жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи давомида, асосан, ЎзМТДП дастурий мақсад-вазифаларини амалга ошириш, аниқ саъй-ҳаракатлар воситасида электротатимиз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилишга эътибор қаратади. Жумладан, жорий йил бошидан буён электрот вакиллари, сайловчилар манфаатларини ҳимоя қилишга, пойтахтимиз ҳудуди ривожига қаратилган 60 дан ортиқ депутатлик сўровини амалга оширишди. Улар кўмағида аҳоли мурожаатлари асосида эликка яқин масала ижобий ҳал этилди. Бундан ташқари, партия гуруҳимиз халқ депутатлари шаҳар Кенгаши сессиялари кун тартибига, доимий комиссиялар йиғилишларига қатор ташаббус-масала ҳамда таклифлар билан чиқди, турли соҳадаги мансабдор шахсларнинг амалга ошираётган ишлари юзасидан ҳисоботларини тинглади. Масалан, Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармасига халқ таълими вазирининг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида мақтабга таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш ҳолати ва истиқболлари, уларни педагог кадрлар билан таъминлаш ҳамда мазкур муассасаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш тўғрисидаги ахбороти юзасидан қабул қилинган қарорнинг Тошкент шаҳридаги ижросига доир сўров берилди. Мазкур сўров орқали шаҳар халқ таълими бошқармаси тасарруфидаги мавжуд 441 мактабга таълим муассасаси фаолияти билан танишиш имконига эга бўлди. Бунинг натижасида мазкур муассасалар фаолиятини янада яхшилаш, мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича тегишли таклиф-тавсиялар ишлаб чиқилди, бу борадаги тизимли ишларни амалга оширишда бир қатор мутасадди ташкилотларнинг мустаҳкам ҳамкорлиги йўлга қўйилди. Шунингдек, депутатлик гуруҳимизнинг "Ўзбектуризм" миллий компанияси Тошкент шаҳар минтақавий вакилига юборган сўрови орқали шаҳарда туризмнинг ривожланиш ҳолати, истиқболлари, соҳадаги айрим камчилик ва муаммолар атрофида ўрганиб чиқилди. Ўрганиш натижалари жорий йилнинг 12 июнида партия гуруҳимизнинг йиғилишида "Ўзбектуризм" миллий компанияси Тошкент шаҳар минтақавий вакили ҳамда Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий ишлаб чиқариш бош бошқармаси вакиллари иштирокчида атрофида муҳокама этилди. Унда Тошкент шаҳрида туризм соҳасини ривожлантириш борасида амалга оширилган ва режалаштирилаётган ишлар, жорий йилда белгилаб олинган асосий вазифалар, мустақиллик йилларида таъмирланган объектлар, уларни музейлаштиришга оид долзарб масалаларга алоҳи-

да эътибор қаратилди. Таъкидлаш жоизки, туризмни ривожлантириш масаласи ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган устувор вазифалардан бири ҳисобланади. Шу боис мазкур масалани шаҳар Кенгаши сессияси кун тартибига олиб чиқиш бўйича қарор қабул қилинди.

Пойтахтимиз кундан-кунга чирой очиб бормоқда: янги йўллар, кўприклар, кўчалар шахримиз кўрмига кўрк қўшаётир. Ўз навбатида, шаҳар кўчаларида транспорт ва йўловчилар қатнови ҳам ортиб бораётди. Бу эса йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, бу борадаги ишларни доимий назорат қилишни тақозо этади. Партия гуруҳимиз мазкур масалалар юзасидан ҳам депутатлик назоратини амалга ошириб келмоқда. Масалан, Яшнобод туман ҳокимлигига юборган депутатлик сўровимиз воситасида тумандаги 282-мактаб ёнидаги кўчага пиёдалар ўтиш йўлига белгилар ўрнатилди. Мазкур кўчани ёш болалар, мактаб ўқувчилари доимий равишда кесиб ўтади, аммо автомашиналар серкватновлиги йўловчиларга хавф-хатар тугдирётган эди. Бу масаладаги сўровимиз Тошкент шаҳар ИИББ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси томонидан атрофида ўрганилиб, ижобий ҳал этилгани аҳолига, айниқса, мактаб ўқувчиларига қулайлик туғдирди.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши сессияларига партия дастурий мақсад-вазифалардан келиб чиққан ҳолда ташаббус-масалалар киритишда ҳам партия гуруҳимиз фаол иштирок этапти. Жумладан, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида сессия кун тартибига партия гуруҳимиз ташаббуси билан жами 4 та масала киритилиб, қарор қабул қилинишига эришилди. Яқинда — 15 октябр кунини бўлиб ўтган Кенгаш сессиясига "Тошкент шаҳрида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган чора-тадбирлар дастури ижроси тўғрисида"ги, "Шаҳар маҳаллий бюджетининг 2015 йил биринчи ярим йиллик яқунлари ижроси тўғрисида"ги масалалар киритилди. Мазкур масалалар депутатлар ва тегишли вакиллар томонидан қизгин муҳокама қилиниб, муайян чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан қарор қабул қилинди.

Депутатлик фаолиятимиз давомида мамлакатимизда қабул қилинаётган янги қонун ва қонуности ҳужжатлар мазмун-моҳиятини аҳоли, айниқса, ёшлар орасида кенг тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратаяпти. Хусусан, Яшнобод туманидаги "Авиасозлар" ва "Наврўз" маҳаллалари ҳамда пойтахтимиз ҳудудидаги кўпгина фуқаролар йиғинларида аҳоли, электрот вакиллари билан учрашувларда "Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида"ги, "Қимматли қорғозлар бозори тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатасида қабул қилинган қарорнинг Тошкент шаҳридаги ижросига доир сўров берилди. Мазкур сўров орқали шаҳар халқ таълими бошқармаси тасарруфидаги мавжуд 441 мактабга таълим муассасаси фаолияти билан танишиш имконига эга бўлди. Бунинг натижасида мазкур муассасалар фаолиятини янада яхшилаш, мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича тегишли таклиф-тавсиялар ишлаб чиқилди, бу борадаги тизимли ишларни амалга оширишда бир қатор мутасадди ташкилотларнинг мустаҳкам ҳамкорлиги йўлга қўйилди. Шунингдек, депутатлик гуруҳимизнинг "Ўзбектуризм" миллий компанияси Тошкент шаҳар минтақавий вакилига юборган сўрови орқали шаҳарда туризмнинг ривожланиш ҳолати, истиқболлари, соҳадаги айрим камчилик ва муаммолар атрофида ўрганиб чиқилди. Ўрганиш натижалари жорий йилнинг 12 июнида партия гуруҳимизнинг йиғилишида "Ўзбектуризм" миллий компанияси Тошкент шаҳар минтақавий вакили ҳамда Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий ишлаб чиқариш бош бошқармаси вакиллари иштирокчида атрофида муҳокама этилди. Унда Тошкент шаҳрида туризм соҳасини ривожлантириш борасида амалга оширилган ва режалаштирилаётган ишлар, жорий йилда белгилаб олинган асосий вазифалар, мустақиллик йилларида таъмирланган объектлар, уларни музейлаштиришга оид долзарб масалаларга алоҳи-

да эътибор қаратилди. Таъкидлаш жоизки, туризмни ривожлантириш масаласи ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган устувор вазифалардан бири ҳисобланади. Шу боис мазкур масалани шаҳар Кенгаши сессияси кун тартибига олиб чиқиш бўйича қарор қабул қилинди.

Пойтахтимиз кундан-кунга чирой очиб бормоқда: янги йўллар, кўприклар, кўчалар шахримиз кўрмига кўрк қўшаётир. Ўз навбатида, шаҳар кўчаларида транспорт ва йўловчилар қатнови ҳам ортиб бораётди. Бу эса йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, бу борадаги ишларни доимий назорат қилишни тақозо этади. Партия гуруҳимиз мазкур масалалар юзасидан ҳам депутатлик назоратини амалга ошириб келмоқда. Масалан, Яшнобод туман ҳокимлигига юборган депутатлик сўровимиз воситасида тумандаги 282-мактаб ёнидаги кўчага пиёдалар ўтиш йўлига белгилар ўрнатилди. Мазкур кўчани ёш болалар, мактаб ўқувчилари доимий равишда кесиб ўтади, аммо автомашиналар серкватновлиги йўловчиларга хавф-хатар тугдирётган эди. Бу масаладаги сўровимиз Тошкент шаҳар ИИББ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси томонидан атрофида ўрганилиб, ижобий ҳал этилгани аҳолига, айниқса, мактаб ўқувчиларига қулайлик туғдирди.

Раван САЙДАХМЕДОВ, Тошкент давлат техника университети ректори, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат



Партия гуруҳларида

Ташаббускор депутатлар

партия дастурий мақсад-вазифаларини амалга ошириш орқали юрт равнақи ва халқ фаровонлигига ҳисса қўшишга интиломоқда

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Партия гуруҳи ташаббуси ва саъй-ҳаракатлари билан "Ўзбекистон", "Аб-дубий", "Ўзжа" маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудидаги ички йўллар таъмирланди, Ўзжа қишлоғида яшовчи бир неча тадбиркорга имтиёзли кредитлар олишда амалий ёрдам кўрсатилди. Президентимизнинг 2012 йил 10 декабрдаги "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида ҳудуддаги барча таълим муассасасида инглиз тили ойлиги тадбирлари ўтказилди, кундузги болалар оромгоҳида болалар учун зарур шарт-шароит яратилишига кўмаклашилди.

— Халқ депутатлари Шахрихон туман Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи нафақат туманимиз, балки вилоятимизда ҳам депутатлар сонининг кўпчилиги, ҳам фаоллиги ва ташаббускорлиги билан ажралиб туради, — дейди ЎзМТДП Шахрихон туман кенгаши раиси Жавлонбек Маматқодиров. — Партия гуруҳимиз таркибида 10 нафар депутат бор. Жорий йилнинг шу даврига қадар партия гуруҳи аъзолари 100 дан зиёд фуқароларнинг ёзма ва оғзаки мурожаатларини ўрганиб, уларнинг аксариятини ижобий ҳал этишга эришди.


20 га яқин қорхона ва ташкилотларга депутатлик сўровлари киритди, бир қатор мансабдор шахсларнинг ҳисоботларини эшитиш имконига эга бўлди. Шунингдек, ЎзМТДП гуруҳи партия туман кенгаши билан ўзаро ҳамкорликда ҳудудда жойлашган маҳаллалар, таълим муассасаларида "Ақдоғларга эҳтиром тарихга эътибор ва ёш авлодга ўрнақдир", "Миллий ўзлигини англаган, миллий гуруру ва ифтихорини тиклаган халқни ҳеч қандай куч енголмайди" лойиҳаси асосида "Миллий тикланиш ўзликни англашнинг асоси" каби мавзуларда дара сўхбатлари ўтказди.

Депутат партия дастурий мақсад ва ғояларини амалга ошириш, тарғиб этишда воситачи эмас, балки ташаббускор бўлиши лозим. Халқ депутатлари Шахрихон туман Кенгашидаги партия гуруҳи аъзолари ўз ваколатларидан самарали фойдаланишга интилаётир.

— Депутатларимиз сонининг кўпчилиги, қолаверса, уларнинг зиёлилар, турли соҳа вакилларидан таркиб топгани яхши кўрсаткичларга эришишимизда асосий роль ўйнамоқда, — дейди халқ депутатлари Шахрихон туман Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи раҳбари Маъруфжон Ҳозиев. — Ўтган давр мобайнида ҳудудимиздаги Автомобиль йўллар қурилиши, Қишлоқ ва

сув ҳўжалиги, Енгил сановат ва хизмат кўрсатиш, Иқтисодиёт коллежларида битирувчиларни ишга жойлаштириш мавзусида туман ҳокими иштирокида қатор учрашувлар ўтказилди. Тадбир сўнгидан, энг аввало, партия гуруҳимиз аъзолари Раҳимиддин Мирзаев, Отабек Саматов, Хурсандили Ҳакимов ташаббус кўрсатиб, ўз хусусий қорхоналарига бир қанча ёш йигит-қизни ишга қабул қилди. Шундан сўнг, бу ташаббус кенг қанот ёзиб, қўллаб-қувватлаш, таълим муассасаси ва қорхона-ташкilotлар ўртасида уч томонлама шартномалар имзоланди. Бир сўз билан айтганда, партия гуруҳимиз аъзолари орасида ана шундай фаол депутатлар кўп. Улар доимий комиссиялар, партия гуруҳи йиғилишларида, сессияларда ЎзМТДП позициясини намоян этишга, электрот манфаатларини ҳимоя қилишга ҳаракат қилмоқда.

Партия гуруҳи раҳбарининг гап-сўзларини тинглаб, ЎзМТДП депутатларининг аҳоли орасидаги ўрни, сайловчиларнинг ўзлари ишониб сайлаган вакиллар ҳақидаги фикрлари билан ҳам қизиқдик. Шахрихондаги "Наврўз" маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Мирзожон Мўминова ҳудуддан халқ депутатлари туман Кен-



Уш суратлари.

Новий шаҳар “Баркамол авлод” болалар марказида моҳир қўллар, компьютер саводхонлиги, дизайнерлик, пазандачилик каби 20 га яқин тўғарак фаолият кўрсатмоқда. Замонавий шароитлар яратилган марказда 260 дан зиёд ўғил-қиз малакали мутахассис-педагоглар раҳбарлигида ўзи қизиққан йўналишда маҳорат ошироқда.

Матбуот анжумани

Оила — маҳалла — таълим муассасаси:

ҳамкорлик ўз самарасини бермоқда

Исми-шарифингиз ким? Қаерда туғилгансиз? Қайси таълим муассасасида таҳсил олгансиз? Ҳаётимизда энг кўп учрайдиган бу уч саволга берилган жавоблар ҳар биримиз ҳақимизда дастлабки ва энг муҳим тасавуурларни беради. Эътибор берсак, унинг замирида оила, маҳалла ва таълим муассасаси ўрнатилгандаги ўзгариш ва ҳамкорликнинг аҳамияти аниқлаш мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 19 июндаги “Баркамол авлоднинг тарбиялашда оила институтини ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорлигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳам аниқ мана шу уч асосий омилнинг ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш мақсадида қабул қилинди. Қарор билан “Оила — маҳалла — таълим муассасаси” ҳамкорлик механизмининг кучайтириш бўйича чора-тадбирлар мажмуаси тасдиқланди. Халқ таълими вазирлиги ҳузурда “Оила — маҳалла — таълим муассасаси ҳамкорлиги” Жамоат кенгаши фаолияти йўлга қўйилди. Бу саъй-ҳаракатлар ҳар томонлама соғлом авлоднинг тарбиялашда оила институтини ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан таълим муассасаларининг ўзаро ҳамкорлигини янада ривожлантириш, мустаҳкамлаш ва самарадорлигини оширишга хизмат қилаётгани билан аҳамиятлidir.

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида “Маҳалла” хайрия жамоат фонди томонидан ташкил этилган матбуот анжуманида мамлакатимизда “Оила — маҳалла — таълим муассасаси” ҳамкорлигини таъминлаш бўйича амалга оширилган ишлар, эришилган натижалар ва мавжуд муаммоларга эътибор қаратилди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, “Оила” илмий-амалий маркази, Хотин-қизлар қўмитаси, Маънавият тарғибот

маркази вакиллари, фуқаролар йиғинлари раислари ва диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари ҳамда журналистлар иштирок этди.

Таъкидлаш жоизки, жойларда мазкур ҳамкорликнинг самарали йўлга қўйилиши ўсимлар орасида турли ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар содир этилишининг олдини олади. Уларни гиёҳвандлик, диний экстремизм, “оммавий маданият”нинг салбий таъсирларидан ҳимоялашга хизмат қилмоқда. Асосийси, бу ҳамкорлик ёшларни ҳар томонлама етук қилиб тарбиялашда, уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишда муҳим восита, ҳал қилувчи кучга айланиб улгурди. Бу борада “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, унинг жойлардаги ҳудудий ташкилотлари ва халқ таълими тўғрисидаги ҳамда мамлакатимиздаги ўн мингга яқин фуқаролар йиғинлари бир қатор ижобий ишларни амалга ошироқда.

Хусусан, жорий йилнинг ўтган 9 ойи давомида ҳамкорлик доирасида маҳалла ва таълим муассасаларида 75 мингга яқин тарғибот тадбири ўтказилиб, унда мактаб, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида таълим тарбия сифати, ўқувчиларнинг дарс жараёнига жалб этилиши ҳолатлари ўрганилди. Ўқишга мунтазам қатнамайдиган ўқувчиларнинг ота-оналари ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилди. Бу оилаларда болаларнинг таълим-тарбияси, одоб-ахлоқини алоҳида назоратга олиш мақсадида таълим муассасалари, маҳалла фаоллари орасидан масъуллар бириктирилди, мамлакатимиз бўйлаб жами 19 мингдан ортиқ профилактик тушунтириш ишлари олиб борилди, бундай ўқувчилар турли ижодий ўқув ва спорт тўғрисидаги имтиёзли жалб этилди.

Мазкур концепция самарадорлигини таъминлашда фуқаролар йиғинлари ҳузурда фаолият юритаётган “Ота-оналар университетлари”нинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Бундай университетлар ота-оналарнинг ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий, физиологик билимларини оширишга қаратилган бўлиб, соҳа мутахассислари томонидан ўтилаётган дарслар,

тарғибот тадбирлари оилаларда ҳар жиҳатдан соғлом муҳитни шакллантиришда муҳим омил бўлмоқда.

Маҳалла ёшлари ўртасида спорт, айниқса, болалар спортини ривожлантириш мақсадида ҳамкорликнинг самарали йўлга қўйилиши мунтазам ташкил этиб келинаётган мусобақалар ҳам болаларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, уларни ҳар жиҳатдан соғлом қилиб тарбиялашга ҳисса қўшаётди. Биргина ҳисобот даврида 9 мингга яқин фуқаролар йиғинларида ўтказилган “Маҳалламиз пахлавонлари” спорт мусобақасига 160 мингдан ортиқ 13-14 ёшдаги ўғил-қизлар, шахмат ва шашка бўйича “Биз ақл-идрокли оилаларимиз” спорт мусобақасига 230 мингга яқин, “Отам, онам ва мен — спортчи оила” мусобақасига 250 мингга яқин оила аъзолари, “Футболимиз келажак” республика турнири мусобақаларига 1 миллиондан зиёд болалар ва ўсимлар жалб этилди.

“Оила — маҳалла — таълим муассасаси” ҳамкорлик механизми самарали йўлга қўйилганлиги боис маҳаллаларда болалар майдончалари куриши, кам таъминланган оила фарзандларини ижтимоий ҳимоялаш, жумладан, олий ўқув юртидаги шартнома асосида тахсил олаётган кам таъминланган оилалар фарзандларининг шартнома пулларини тўлаб бериш, дам олдириш ва соғломлаштиришга қаратилган аниқ ташаббуслар илгари сурилиб, амалга оширилмоқда.

Тадбирда бу борадаги ишларни изчил давом эттириш, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, Халқ таълими вазирлиги, “Оила” илмий-амалий маркази, Республика Маънавият тарғибот маркази ва бошқа ташкилотларнинг ҳудудий тузилмалари ва фуқаролар йиғинлари ўртасида ўзаро ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш, оила, маҳалла ва таълим муассасалари ўзвийлигини самарали йўлга қўйиш, маҳаллалардаги жамоатчилик комиссиялари ишини жонлантириш лозимлиги алоҳида эътибор қаратилди.

Умида УЗОҚОВА,
“Milliy tiklanish” муҳбири

Семинар

Тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари

ҳимояси мустаҳкамланмоқда

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 4 августдаги “Мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим аҳамиятга молик масалалар бўйича ўтказилган матбуот анжуманиларининг ягона режаси” ижросини таъминлаш юзасидан Давлат солиқ қўмитасида “Тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги тўсиқларни бартараф этиш ҳамда солиқ тўловчиларга яратилаётган қулай шарт-шароитлар” мавзусида видеосеминар ташкил этилди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутatlари, Олий ҳўжалик суди, Марказий банк, Бош прокуратура, вазирлик ва идоралар, ҳудудий давлат солиқ бошқармаларида ташкил этилган студияларда маҳаллий ҳокимликлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари раҳбар ходимлари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳамда Тошкент шаҳри ва ҳудудларда фаолият кўрсатаётган 600 нафардан ортиқ хусусий тадбиркорлар иштирок этди.

Тадбирда давлатимиз раҳбарининг шу йил 15 майдаги “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ижросини таъминлаш юзасидан тадбиркорлик субъектлари учун яратилган қулай шарт-шароитлар ҳақида, қонун ҳужжатларига асосан берилган солиқ имтиёзлари ва преференциялар, шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятида учрайдиган айрим муаммолар масалалар ечими юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Тадбирда Ўзбекистон Давлат солиқ қўмитаси раиси Б.Парпиев ва бошқалар хусусий тадбиркорликнинг иқтисодий ҳаётимиздаги роли ва ўрнини тубдан ошириш, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш йўлидаги тўсиқ ва чекловларга барҳам бериш, хусусий мулкнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини изчил ошириш учун янада қулай иқтисодий, ҳуқуқий шароит ва рағбатлар яратишга қаратилган ушбу фармоннинг аҳамияти ҳақида сўз юритди.

Мамлакатимизда солиқ юкнини йилдан-йилга пасайтириш билан бир қаторда, қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 2012-2015 йилларда хусусий мулк ўрнини мустаҳкамлаш ва уни ҳимоя қилиш, бизнес юритиш шартларини янада яхшилашга қаратилган 15 дан ортиқ қонун ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Видеосеминарда сўзга чиққан тадбиркорлар янги қонунчилик ҳужжатларининг амалиётга таътиб этилиши ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, маҳаллий ва хорижий сармояларни кенг жалб этиш, янги

иш ўринлари яратиш имконини беришини таъкидлаб ўтди. Шунингдек, Давлат солиқ қўмитаси бугунги кунда эришган натижалари билан чеklangиб қолмай, тизимли янада модернизация қилиш, мавжуд ахборот ресурсларидан унумли фойдаланган ҳолда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик вакилларига қўшимча қулайликлар яратиш, уларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишга доир вазифалар белгилаб олинди.

Тадбиркорларнинг 100 дан ортиқ мурожаатларига мутахассислар томонидан жавоб қайтарилди. Шунингдек, улар дўх келаятган турли масалалар юзасидан тегишли ташкилот вакиллари билан фикрлашиш, муаммоларни ечиш имконига эга бўлди.

**Беҳзод РИСБЕКОВ,
Давлат солиқ қўмитаси
бош инспектори:**

— Мамлакатимизда иқтисодиётни либераллаштириш, бошқарувнинг бозор тамойиллари ва механизмлари жорий этиш, қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришдаги бюрократик тўсиқ ва говларни бартараф этишга қаратилган кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Сўнгги 4 йилда 167 рухсат бериш тартиб-таомили, лицензия бериладиган 19 турдаги фаолият, 65 турдаги статистика ва 6 турдаги солиқ хисоботи бекор қилинди, рухсат бериш хусусиятига эга ҳужжатларни расмийлаштириш учун йиғимлар ҳажми 2 баробар камайтилди. Бунинг самарасида ялпи ички маҳсу-

лотда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши 2000 йилдаги 31 фоиз ўрнига бугунги кунда 56 фоизга етди.

Барча тадбиркорлик субъекти солиқ ва молиявий ҳисоботларини электрон шаклда тақдим этиш амалиётининг жорий этилиши тадбиркорларга қатор қулайликлар яратиш билан бир қаторда, ҳисоботларни ўз вақтида қабул қилиш, қайта ишлаш, давлат бюджетига тўланадиган маблағлар бўйича маълумотларни тезкор таҳлил этиш имкониятларини яратмоқда. Бу орқали йилга солиқ тўловчиларнинг тахминан 9 миллиард сўм маблағи иқтисод қилинмоқда. Бугунги семинарда иштирокчиларга қабул қилинаётган қонун ва фармонларнинг мазмун-моҳияти, тадбиркорларга яратилаётган қулайлик ва имтиёзлар ҳақида батафсил тушунчалар берилди.

**Ойчехра ТОШЕВА,
“ONLV TEA PACKAGING”
МЧЖ бош ҳисобчиси:**

— Президентимизнинг жорий йил 15 майдаги фармонида хусусий тадбиркорликни сифат жиҳатидан тараққий эттириш учун зарур шарт-шароитни янада такомиллаштириш бўйича аниқ вазифалар белгиланган бўлиб, ҳаётга таътиб этилаётган бу каби ҳужжатлар ишбилармонлар сафи кенгайишида дастуриламал бўлмоқда. Унга кўра, жорий йилнинг 1 июлидан бошлаб микрофирма, кичик корхона ҳамда фермер ҳўжаликлари фаолиятига оид текширувлар режали тартибда тўрт йилда бир марта ўтказилиши назарда тутилган диққатга сазовор. Текширишларнинг ўн қундан ошмаслиги эса вақтимизни тежаш, бунинг ўрнига ишлаб чиқариш қувватини ошириш имконини беради.

**Эркин ДОРИПОВ,
“Milliy tiklanish” муҳбири**

МММДА

Йўловчилар ташиш хавфсизлиги таъминланмоқда

Пойтахтимиз аҳолиси яқин келажакда метро, автобус ва трамвай — жамоат транспортлари учун ягона, электрон ойлик йўл чипталаридан фойдаланиши мумкин бўлади.

Бу ҳақда Миллий матбуот марказида ўтказилган Тошкент метрополитени инфраструктурасини такомиллаштириш, унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, йўловчилар хавфсизлигини таъминлаш ва уларга хизмат кўрсатиш сифатини янада ошириш масалаларига бағишланган матбуот анжуманида маълум қилинди. Тадбирда “Тошкент метрополитени” давлат унитар корхонаси вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Мамлакатимизда транспорт соҳаси, хусусан, метрополитени янада ривожлантириш, юртдошларимизнинг ўз манзилига тез ва хавфсиз етиб боришини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Тошкент метрополитенида аҳолига қулайликлар яратиш, йўловчиларни ташиш хавфсизлигини таъминлаш ва уларга хизмат кўрсатиш маданиятини юксалтириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилаётди.

Чилонзор, Ўзбекистон ва Юнусобод линияларидан иборат Тошкент метрополитенининг умумий узунлиги 39 километрни ташкил этади. Ушбу транспорт хизматидан ҳар куни 160-180 минг йўловчи фойдаланади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 17 мартдаги фармойишига мувофиқ, метрополитен фаолиятини такомиллаштириш ва унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга қаратилган комплекс тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Чилонзор линиясида ташки кўриниши янгиланган поезд фойдаланишига топширилди.

“Тошкент метрополитени” бошқарма бошлиғи Ойбек Худойкуловнинг айтишича, корхона поездларни модернизация

қилиш мақсадида Тошкент йўловчи вагонлари куриш ва таъмирлаш заводи билан шартнома тузган. Унга мувофиқ, капитал таъмирлаш ишларидан сўнг олти вагоннинг ташки ва ички кўринишлари янгиланди. Электрик, пневматик ва механик ускуналар тўлиқ алмаштирилди. Ёнгин хавфсизлигини таъминлаш мақсадида вагонлар салонини ёнгин хавфининг олдини оладиган материаллар билан қопланди, ёнгинини автоматик тарзда ўчириш тизими ўрнатилди. Вагонлардан фойдаланиш муддати яна 15 йилга узайтирилди. Жорий йил охирига қадар унитар корхона яна бешта янгиланган поезд ҳаракатини йўлга қўяди.

— Аҳоли хавфсизлигини таъминлаш мақсадида эскирган рельсларни ҳам янги сифатга алмаштириш ишларини давом эттирялмиз, — дейди метрополитени масъул ходими Тоҳир Абдуқодиров. — Масалан, Чилонзор линиясида узунлиги 18 километр рельс, “Ҳамид Олимжон” станциясида 3 эскалатор метрополитенида метрода оптик толали кабель ўтказилаётгани яқин келажакда метрополитенида йўл ҳақини smart-карта ёрдамида тўлаш имконини яратади. Айни пайтда “Мустақиллик майдони” бекатида махсус аппарат — дастурий комплекс синовдан ўтказилмоқда. Бу тизим метрополитен фаолиятининг иқтисодий кўрсаткичларини яхшилаш, сарф-ҳаражатларни камайитириш ва аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш сифатини оширишга хизмат қилади.

Вагонларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш сифатини яхшилаш, ишларни бажариш тезкорлигини ошириш мақсадида локомотив бригадаларини таркибга бириктириш тизими жорий этилган. Иккита эксплуатация электрдепо бўйича 200 нафардан ортиқ мутахассис ҳар куни ҳаракатланувчи таркибга техник хизмат кўрсатади ва таъмирлаш ишларини бажаради.

Анжуманда журналистларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб қайтарилди.

Банк мадади — фаровон келажак кафолати

26 октябрь куни Миллий матбуот марказида “Қишлоқ қурилиш банк” акциядорлик тижорат банки ташаббуси билан “Тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар” мавзусида матбуот анжумани ташкил этилди. Унда банк мутасаддилари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Истиклол йилларида мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш юзасидан кенг қўламли ислохотлар изчил олиб борилмоқда. Биргина “Қишлоқ қурилиш банк” АТБ жорий йилнинг тўққиз ойи мобайнида кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлашга 490,3 миллиард сўм кредитлар, жумладан 135,9 миллиард сўм микрокредитлар ажратди. Рақобатбардош истеъмол товарларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш, ички истеъмол бозорини бойитиш, янги корхоналар очиш ҳамда мавжудларини модернизациялаш, технологик қайта жиҳозлашга йўналтирилган кредитлар миқдори эса 195,3 миллиард сўмни ташкил этди. Хусусан, хотин-қизларни бизнес фаолиятига кенг жалб этиш, тадбиркор аёлларини қўллаб-қувватлаш янада кенгайтириш мақсадида 61,3 миллиард сўмлик кредитлар ажратилди.

Банк бошқаруви раиси ўринбосари Алишер Муродовнинг айтишича, шу йил-

нинг ўтган даври мобайнида 21,4 мингта янги кичик бизнес субъекти ташкил этилиб, уларнинг sanoatдаги улуши 34,6 фоиз, бандликни таъминлашда 77,5 фоизга етган.

— “Қишлоқ қурилиш банк” таълим муассасалари битирувчиларини қўллаб-қувватлашга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда, — деди А.Муродов. — Президентимизнинг 2010 йил 28 июлдаги “Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора тадбирлар тўғрисида”ги фармони доирасида касб-ҳунар коллеж битирувчиларининг бизнес-лойиҳаларини молиявий қўллаб-қувватлаш учун жорий йилнинг 9 ойида 15,7 миллиард сўм ҳажмида кредит ажратилди. Оилавий тадбиркорлик ва касаначиликка ажратилган микрокредитлар миқдори эса 23,6 миллиард сўмни ташкил этди. Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш учун 149,6 миллиард сўм кредит ажратилди.

Мамлакатимиз ҳудудини 2013-2015 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурига мувофиқ, 813 лойиҳага ажратилган 71,8 миллиард сўмлик кредитлар ҳисобига 6482 янги иш ўрни яратилди.

Тадбирда намунавий лойиҳалар асосидаги уй-жойлар, ёш оилалар учун “Қамолот” уйлари куриш юзасидан амалга оширилаётган ишлар хусусида ҳам маълумот берилди.

“Бир дарча”нинг кенг имкониятлари

2016 йил 1 январдан вазирликлар, давлат қўмиталари ва бошқа давлат органларида мавжуд “ягона дарча” хизматларининг фаолияти тугатилиб, улар ўрнига туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузурдаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекциялари негизда “бир дарча” тамойили асосида тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатиш бўйича марказлар ташкил қилинади.

Миллий матбуот марказида Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси ҳамкорлигида ўтказилган “Тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар” мавзусидаги матбуот анжуманида ана шу ҳақда сўз борди.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 15 майдаги “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони тадбиркорларга кенг эркинлик бериш, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилашда муҳим аҳамият касб этмоқда. “Бир дарча” марказлари фаолияти ҳам ана шундай мақсадларнинг ҳаётга изчил таътиб этилишига хизмат қилади.

Марказнинг асосий мақсади — тадбиркорлик субъектларининг рўйхатдан ўтиш, рухсатнома ва лицензиялар олиш тартибидан ўттишининг шаффофлигини таъминлаш, давлат хизматларини кўрсатувчи давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро яқин ҳамкорлик ўрнатиш, хизматлар кўрсатишда бюрократик гов ва тўсиқларнинг пайдо бўлишига йўл қўймайлик, ариза бериувчиларга ахборот ёрдами, шу жумладан давлат хизматларини кўрсатиш тартиби ҳамда муддатлари тўғрисида бепул маслаҳат тақдим этилишини таъминлашдан иборат.

— Кўрсатиладиган хизматлар сони босқичма-босқич амалга оширилиши кўзда тутилган, — деди Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси бошлиғи Улуғбек Абдуллаев. — Биринчи босқичда тадбиркорлик субъектларини муҳандислик-коммуникация тизими-га тайёр ҳолда улаш, бино ва иншоотнинг ташқи кўринишини ўзгарттиришни келишиш, объектни қайта иқтисодлаштириш ва реконструкция қилиш, курилиш-монтаж ишлари, турар жойларни нотурар жой тоифасига ўтказишга рухсат бериш каби 16 давлат хизматини жорий этиш белгиланган.


Анжуманда журналистларнинг саволларига батафсил жавоб қайтарилди.

**Аҳмад ЮСУПОВ,
“Milliy tiklanish” муҳбири**

Бизнинг шарҳ

АҚШ парламенти

Икки палатали бўлиб, Вакиллар палатасида 435 депутат, Сенатда 100 сенатор фаолият олиб боради



Америка Қўшма Штатлари — Шимолий Америкадаги давлат. 1776 йилнинг 4 июлида ўз мустақиллигини эълон қилган. Шарқдан Атлантика, ғарбдан Тинч океани, жануби-шарқдан Мексика қўлиги билан ўралган. Маъмурий жиҳатдан 50 штат ва Колумбия федерал округига бўлинади. Аляска ва Гавайи штатлари мамлакат асосий ҳудудидан ташқарида жойлашган. Ҳар бир штат ўз қонунчилигига — конституциясига, қонуни чиқарувчи ва ижро этувчи органларига эга. Майдони 9,5 миң квадрат километр, аҳолиси 325 миллион киши. Пойтахти — Вашингтон шаҳри. АҚШ — федератив республика. Амалдаги Конституцияси 1787 йилда қабул қилинган. Қонуни чиқарувчи ҳокимиятини Конгресс амалга оширади.

риш йўли билан икки йил муддатга 435 вакил сайланади. Улар конгрессменлар деб юритилади. Вакиллар палатасининг асосий вазифаси — қонун лойиҳаларини қабул қилиш. Мазкур палата қабул қилган қонун лойиҳаси эса кўриб чиқиш ва қабул қилиш учун Сенатга тақдим этилади. Сенат маъқуллаган қонун лойиҳаси Президент имзолаши учун юборилади. Сайловга қадар камиди йигирма беш ёшга тўлган, етти йилдан кам бўлмаган муддат давомида АҚШ ҳудудидида истиқомат қилиб келаётган, ўз номзодини илгари сурган штатда доимий яшовчи фуқаролар Вакиллар палатасига сайланиши мумкин. Вакиллар палатаси ўз таркибидида депутатларни вазифасидан четлаштиришга умумий раҳбарлик қилиш учун конгрессменлар спикерни сайлайди. Одатда, палата спикери этиб палатада энг кўп ўринга эга партиянинг аъзолари сайланади. Вакиллар палатаси спикери қатта ваколатларга эга. Борди-ю АҚШ Президенти ҳамда вице-президенти турли сабаблар туфайли ўз мажбуриятларини бажара олмаган тақдирда у мамлакат бошқарувини қўлга олиши мумкин.

Сенат парламентнинг юқори палатаси бўлиб, штатлар аҳолисининг сонидан қатъи назар ҳар бир штатдан икки сенаторни 6 йил муддатга сайлаш йўли билан шакллантирилади. Ҳар икки йилда Сенат таркиби учдан бир қисмига янгиланади. Бундан аввал сенаторларни штатларнинг қонунчилик кенгаши сайлаган. 1913 йилда мамлакат Конституциясига киритилган 20 га яқин ўзгартишга мувофиқ, сенаторларни тўғридан-тўғри овоз бериш йўли билан номзодини илгари сурган штатнинг аҳолиси сайлайдиган бўлди. Сенат юқори палата сифатида штатларнинг манфаатини ифода этади. Сенат ҳамда Вакиллар палатасига сайлов бир вақтда ўтказилади. Сайловга қадар камиди ўттиз ёшга тўлган, АҚШ ҳудудидида камиди тўққиз йил давомида истиқомат қилиб келаётган, номзодини илгари сурган штатнинг доимий фуқароси бўлган шахс сенатор

этиб сайланиши мумкин. Сенат Вакиллар палатаси қабул қилган қонун лойиҳасини маъқуллаш ёки маъқулмаслиги мумкин. Бундан ташқари, Сенат халқаро шартномаларнинг ратификация қилинишига розилик беради, Олий суд судьялари, федераль ҳукуматнинг мансабдор шахслари тайинланганини тасдиқлайди. Мамлакат вице-президенти Сенат мажлисларида раислик қилади.

Конгресс қабул қилган қонун лойиҳаси Президент имзолаганидан сўнг қучга қиради. Борди-ю Президент қонун лойиҳасини рад этса, иккала палатанинг учдан икки қисми овоз бериши орқали қонун маъқулланиши мумкин. Конгресс фаолиятини самарали ташкил этиш учун бир неча йўналишлар бўйича қўмиталар тузилади (мисол учун, кишлук ҳўжалиги, халқаро ишлар қўмиталари). Қўмиталар доимий ёки махсус бўлиши мумкин. Махсус қўмиталар доимий қўмиталар ваколати доирасига кирмайдиган масалаларни ҳал қилиш ёки суриштирув олиб бориш учун тузилади. Конгресс таркибига ёрдамчи хизматлар ҳам қиради. Улар орасида дунёда энг катта кутубхона сифатида тан олинган Конгресс кутубхонаси ҳам бор. Тадқиқот хизмати қонун лойиҳаларини таҳлил қилади, консультация ишларини, жамоатчилик эшитиш ҳамда турли тадқиқотларни олиб боради. Конгресснинг бюджет бошқармаси эса давлат бюджетини ижросини назорат қилади.

Палаталарда доимий қўмиталар йиғилишлари ойда камиди бир марта ўтказилади. Навбатдан ташқари йиғилишлар қўмита раиси ташаббуси билан ўтказилиши мумкин. Масалан, Сенатда ана шундай йиғилиш ўтказиш учун қўмитанинг камиди уч аъзоси ташаббус билан чиқиши лозим. Борди-ю уч кун ичида раис йиғилиш ўтказиш юзасидан қарор қабул қилмаса, сенаторлар йиғилиши ўтказиш мақсади, кун, соати қайд этилган билдирги тузадилар. Мазкур билдиргини қўмита аъзоларининг кўпчилиги имзолаша, йиғилиш белгиланган муддатда ўтказилиши лозим. Қонда мувофиқ, қўмита эшитишлари очик-ошкора тарзда ўтказилади. Йиғилишлар телевидение орқали

ҳам тез-тез намоиш қилинади. Бироқ баъзан улар “ёпиқ эшиклар ортида” ўтказилиши мумкин. Масалан, Сенатда қўмиталарнинг ёпиқ йиғилишлари давлат хавфсизлиги масаласидаги ахборотларни, шахсларнинг шаъни ва кадр-қимматига дахл қилиши мумкин бўлган маълумотлар, тижорий сирларни сақлашга зарурат туғилганида ўтказилиши мумкин.

АҚШда давлатни икки ҳукмрон партия — республикачилар ва демократлар идора қилади. Гарчи мамлакатда бир қанча кичик партиялар фаолият юритса-да, мана 200 йилдан ошдики, улар қатта сиёсатга сезиларли таъсир кўрсага олмай келяпти. Бошқача айтганда, қарийб икки асрдан буён сайловлардаги курашлар, гоёлар баҳси мазкур икки партия ўртасида кечмоқда. АҚШдаги асосий сиёсий қучлардан бири Республикачилар партиясининг иккинчи номи “Grand Old Party”, яъни Буюк эски партия деб юритилади. Мазкур партия анъанавий кадрларга содиқлиги билан ном қозонган бўлиб, доимо инсоннинг ўзи бунёдкор, иқтидорли экани, кўп меҳнат қилувчи, яхши хулқ, имкониятлар томон интилувчи одам ўзи ва жамият учун кўп ишларга қодирлиги, муносиб муваффақиятларга эриша олишига ишонини каби гоёларни илгари суриб келади. Республикачилар халқаро терроризмга қарши кураш, солиқларни камайтириш ташаббускори сифатида ҳам ажралиб туради.

Демократлар партияси мамлакатдаги иккинчи йирик партия бўлиб, 1828 йилда тузилган. Унга ҳозирги кунда Дебби Вассерман-Шульц раҳбарлик қилиб келмоқда. Партия умумий 2,9 миллион аъзога эга. Партиани, асосан, АҚШнинг йирик шаҳарлари ва денгиз бўйида жойлашган штатлар аҳолиси, интеллектуал фаолият билан шуғулланувчи сайловчилар, ҳуқуқчи химоя қилувчи ташкилотлар, қасаба уюшмаларига бирлашган йирик корпорация ишчилари ҳамда кам сонли ирқ вакиллари қўллаб-қувватлайди. Мазкур партия бойларга нисбатан солиқларни, ижтимоий соҳада давлат бюджети сарф-харажатларини ошириш, иқтисодийнинг юқори технологиялар тармогини ривожлантириш, атроф-муҳит ифлосланишига қарши курашишни ўз олдига асосий мақсад қилиб олган.

Ўтган йилнинг 4 ноябрида Вакиллар палатасининг бутун таркиби, Сенатнинг учдан бир қисми, 36 штатнинг губернаторлиги ҳамда 46 штатнинг қонун чиқарувчи кенгашлари учун сайловлар ўтказилди. Сайлов яқунларига кўра, демократлар Вакиллар палатасида ҳам, Сенатда ҳам асосий ўринларни республикачиларга бой берди. Республикачилар партияси Вакиллар палатасидаги 435 ўриндан 244 тасини, Сенатда эса 52 ўринни банд этишди. Шунингдек, аксарият штатларда губернаторлик курсиси ҳам Республикачилар партиясининг вакилларига насиб этди.

ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

Зилзила “занжири”

Афғонистонда 7,5 магнитудали зилзила юз берди.

“Reuters” агентлигининг хабар беришича, табиий офат оқибатида Афғонистонда 5 киши ҳалок бўлди, 55 фуқаро жароҳат олди. “Доон” газетаси веб-сайти тарқатган маълумотларига қараганда, Покистонда 20 киши ҳалок бўлган, 300 киши жароҳатланган. Шунингдек, Исландиядаги алоқа тизимлари, Пешовар шаҳридаги бир неча бинога зарар етди. Ҳиндистон пойтахти Дехли шаҳрида метрополитен фаолияти вақтинчалик тўхтаб қўйилди. Зилзила ўчоғи Ҳиндикуш тоғида, 190 километр чуқурликда бўлган маълум қилинган.



Ер силқиниши Қирғизистон, Озарбайжон, Қозғистон, Тожикистон ҳамда Ўзбекистонда ҳам сезилди.

Кема ҳалокатга учради

Канаданинг Тофино шаҳридан унча узок бўлмаган ерда “Левифан II” кемаси ҳалокатга учради.

Оқибатда беш киши ҳалок бўлди, 21 кишининг ҳаёти сақлаб қолинди. Кема Ванкувер оролидаги Тофино портидан йўлга чиққан, Варгас оролчасига яқинлашганда ҳалокатга учраган. Унинг ҳалокатига нима сабаб бўлгани ҳозирча номаълум. Кема бортидаги барча 27 йўловчи буюк британиялик сайёҳлар экани маълум қилинган. Йўловчи ҳамда экипаж аъзоларини қутқариш ишларига икки самолёт, бир вертолёт, шунингдек, Канада қирғоқ қўриқлов хизматининг икки кемаси жалб қилинди.



Учар автомобиль афсона эмас

Словакиянинг “AeroMobil” компанияси “AeroMobil 3.0” деб номланган учар автомобиль ишлаб чиқарди.




Учар автомобиль Лондондаги “Founders Forum”ида намоиш этилди. Аэромобилнинг узунлиги 6, эни 2,24 метр, оғирлиги 450 килограмм. Қанотлар қучоци 8,32 метрни ташкил этади. У соатига 160 километр тезлик билан ҳаракатлана олади. Юз километрга 8 литр ёқилғи сарфлайди. Лойиҳа муаллифларининг айтишича, унинг учиши учун 200, қўнишига эса 50 метрли йўлак керак бўлади. Аэромобиль радиоэлектроника, автопилот ва парашют билан таъминланади. Компания вакиллари маълум қилишича, учар автомобиль бир неча синовдан ўтказилганидан сўнг, уни шу йилдан бошлаб ишлаб чиқариш режалаштирилмоқда. Унинг баҳоси тахминан кичик самолётнинг нархи билан барабар бўлиши кутилмоқда.

Рангин дунё

Бир неча соат ичида барча қитъалар бўйлаб сайёҳат уюштиришнинг илҳами борми? Қандай қилиб бир пайтнинг ўзида Париждаги Эйфел минораси, Лондондаги Тауэр кўприги, Пасха ороли ёки Рим Колизейини томоша қилиш мумкин? Бу тасаввурга сиғмайдиган шидек туюлиши табиий. Бироқ бунинг учун Пекин шаҳрининг жануби-ғарбий қисмида жойлашган Дунё хиёбонига таширф буюриш кифоя. Гап шундаки, қирқ олтми гектар майдонни эгаллаган мазкур хиёбонда турли мамлакатларда жойлашган жаҳонга машҳур архитектура намуналарининг кичик нусхалари ўрин олган.

Дунё мўъжизаларини жамлаган хиёбон



Мазкур хиёбонни бунёд этиш гоёси ўтган асрнинг 90-йилларида Хитой иқтисодиёти тез суръатлар билан ривожлана бошлагани билан боғлиқ. Ўша вақтдан бошлаб мазкур мамлакат қўшни ҳамда Ғарб давлатлари билан мустаҳкам алоқа ўрната бошлади. Ушанда дунёнинг барча минтақасида жойлашган машҳур қадимжоларнинг миниатюра нусхаларини яратиб, бир ерга жамлаш гоёси илгари сурилганди. Бу тез орада ҳаётга муваффақиятли татбиқ этилиб, 1993 йилнинг октябридан бошлаб хиёбон барча давлат ва халқларнинг мустаҳкам дўстлиги, ҳамкорлигини рамзига айланади.

Бугун дунёда элликка яқин миниатюра хиёбонлари фаолият кўрсатади. Брюссель шаҳри-

даги “Кичик Европа”, Голландиядаги “Madurodam” хиёбонлари шулар жумласидандир. Бироқ улар орасида Пекин шаҳридаги Дунё хиёбони ўзига хослиги билан ажралиб туради. Қолаверса, ундаги иншоотлар учун мрамор, гранит, нефрит тошлари, олтин каби жуда қиммат қилинган материаллари сарф этилган. Хиёбонда ўзингизни гўё дунё бўйлаб сайр қилаётгандек ҳис этасиз. Бу ерда қирқдан ортик мамлакатда жойлашган 109 иншоотнинг миниатюра нусхалари ўрин олган: Ватикандаги Муқаддас Пётр ибодатонаси, Афина шаҳридаги Акрополь, Мисрдаги эҳромлар ва Сфинкс ҳайкали, Таиланддаги император саройи, Аградаги Тож Маҳал, Италиядаги Пиза минораси, АҚШдаги Оқ уй ва Капитолий

биноси, Озодлик ҳайкали, Париждаги Нотр-Дам ибодатонаси, Сидней шаҳридаги опера театри, Нью-Йоркдаги собиқ эгизак бинолар ҳамда яна бошқа бир қатор дунё меъморчилигидаги юксак намуналарнинг кичик нусхаларини томоша қилиш мумкин. Шунингдек, бу ерда афсонавий Троя оти, дунёнинг етти мўъжизасидан бири бўлган, бироқ бизнинг давримизга қадар сақланмаган Александр мағи ҳам эътиборингизни тортмай қўймайди.

Хиёбондаги Эйфел минораси остидаги ўринда бирпас ўтириш, сўнгра ёрқин ранг берилган Тауэр кўприги томон йўл олиш мумкин. Унинг шундоқенгинасида Англиядаги Стоунхенж тошларининг нусхаси жойлашган. Сайёҳлар Сан-Франциско шаҳридаги “Олтин дарвоза” осма кўпригининг кичик нусхаси устидан туриб, Ниагара шаршарасининг гўзаллигидан баҳра олишлари мумкин. Хиёбондаги композициялар қаторидан Хитой ҳудудида жойлашган тарихий иншо-

отларнинг нусхалари, жумладан, Буюк Хитой девори, Сучжоу шаҳридаги бог ҳам ўрин олган. Шунингдек, Дунё хиёбонидаги иншоотлар аслиятдан саккиз марта кичик қилиб бунёд этилган. Бундан фақат Миср эҳромлари мустасно бўлиб, у аслиятига қараганда анча кичикдир.

Мазкур хиёбон ўзига хос саргузаштлар маскани. Бу ерда сайр қилиш ҳам қатталар, ҳам болалар учун мароқли. Ҳар бир экспонат ёнида хитой ва инглиз тилида изоҳли жадваллар ўрна-

тилган бўлиб, унда иншоотнинг қурилиш тарихи билан боғлиқ маълумотлар киритилган. Бу ерда санъат ихлосмандлари учун махсус безатилган сахналарда опера ва балет томошалари ҳам уюштириб турилади. Хиёбонда қўлга ўргатилган тимсоҳ, филларнинг кўргазмалли чиқишлари ҳам эътиборингиздан четда қолмайди. Бу ерда ташкил этилган сунъий ҳовузга турли балиқлар-

Дармон қочса, беҳи енг

Куз фаслининг ўзига хос шифобахш неъматларидан бири, шубҳасиз, беҳи. Беҳи — раъногулдошлар оиласига мансуб мевали дарахт. Гуллари якка ҳолда, оқ ёки оч пушти бўлиб, апрель ойида гуллади.



Кўчати ўтказилгач, 3-4 йилда ҳосилга киради. У биров қаттиқ бўлса-да, тановул қилинганда ўзига хос мазаси одамга хуш ёқади. Айниқса, беҳидан тайёрланган мураббо қишда энг тўйимли ва мазали, шу билан бирга фойдали озуқа ҳисобланади. Беҳининг оддий ва япон тури мавжуд бўлиб, Ўзбекистонда фақат оддий тури экилади. Унинг таркибида киши организмга фойдали, иштаха очувчи, овқатни ҳазм қилдирувчи, органик кислоталар (олма, узум, лимон кислоталари), эфир майлари, пектин ва ошловчи моддалар, С витамини, темир, мис, калций тузлари, уруғида 8 фоиздан ошққой, буюк моддалар бор. Қурилган ҳамда пиланган пайтда авайлаб осиб қўйилгани уй ҳавосини тозалаш, ёқимли хид таратиб туради. Уни баҳорга сақлаш мумкин.

Беҳи меваси шифобахш бўлиб, ундан табобатда кенг фойдаланилади. Беҳи мевасининг шарбати билан астма, юрак, сарик, ҳикчюк, қорин оғриги касалликларини даволашган. Бундан ташқари, беҳи дармонсизлик, йўтал, меъда, жигар ва буйрак касалликларини даволашда ҳам кенг қўлланган. Ушбу мевадан тайёрланган дамламани ибн Сино йўғон ичакнинг яллиғланишини даволашда, беҳи шираси билан қайт қилишни тўхтатишда, чанқоқ ҳамда бош оғриғини қолдиришда ишлатган.

Беҳи уруғи билан узум шарбатининг қайнатмаси камқонликда, ичбурғуда, бавосил касалликларини даволашда яхши таъсир қилади. Шарбати эса меъдани кучайтиради, балғам кўчишини тўхтатади. Унинг ёғи эса совуқдан тери ёрилганда, буйрак ва қовуққа ҳам фойда қилади. Қўрга кўмиб пиширилгани кўздаги иссиқ шишларга қўйилади. Илмий тиббиётда беҳи уруғидан тайёрланган қайнатма қабзиятда, юқори нафас йўллари шомолағанда даво сифатида ишлатилади. Беҳи меваси таркибида темир моддаси кўпчилиги сабабли камқонлик билан оғриган беморларга тавсия этилади. Шунинг унутмаслик керакки, беҳи шарбатидан бир кунда 70 граммдан ортиқ истеъмол қилиш тавсия этилмайди.

БИЛАСИЗМИ?

- Дунёдаги илк кинофильми 1888 йилда Англияда истиқомат қилган француз Луи Эме Огюстен Лепренс суратга олган бўлиб, у "Раундхэй боғидаги сахналар" деб номланган.
- "Reitwagen" деб номланган дунёдаги илк мотоцикли 1885 йилда немис муҳандислари Готлиб Даймлер ҳамда Вильгельм Майбах иختиро қилган.

ТУРФА ОЛАМ

Сув остида қолган ибодатхона

Мексиканинг Чьяпас штатида сув омборларидан бирининг тубидан қадимий ибодатхона қалқиб чиқди.

Гап шундаки, қўрғоқчилик сабабли сув сатҳи 24 метрга пасайиб кетган, натижада сув остида қолган ибодатхона қалқиб чиқди. Олимлар мазкур иншоот қурилиши Чьяпасдаги биринчи доимий епископ Бартоломе де лас Касас номи билан алоқадор эканини айтмоқда.

Тахминларга қараганда, у Мексикага 1540 йилда келган ва бир гуруҳ роҳиблар билан ибодатхонани бунёд этган. Сув юзасида иншоотнинг баландлиги 10 метрга етadиган деворлари кўриниб турибди. Бинонинг узунлиги тахминан 61, эни эса 14 метрни ташкил этади. Утган асрнинг 60-йилларида тўғон қурилиши оқибатида сув остида қолиб кетган бу ибодатхонанинг сув омбори юзасида биринчи марта кўриниши эмас. 2002 йилда ҳам сув сатҳи шу даражада пасайиб кетганки, ўшанда ибодатхона қалқиб чиқди. Ички тарафини ҳам кузатиш имкони пайдо бўлган эди.

Электр двигателли веломобиль

АҚШлик кашфиётчи Питер Гинзбург бир кишилик электр веломобиль иختиро қилди ва уни "GinzVelo" деб номлади.

Веломобиль ҳамма томондан пластик панеллар билан ўралган. Бу эса тўқнашув пайтида ҳайдовчи хавфсизлиги тўлиқ таъминланишига асос бўлади. Веломобиль 48 вольтли 20 Ач литий-полимер аккумулятор, 500 ваттлик электр двигателли билан жиҳозланган. Бир марта қувват олдириш ҳисобига унда 160 километр масофани босиб ўтиш мумкин. Максимал тезлиги — соатига 48 километр. "GinzVelo" олдинги ва орқа чироклар, ён ойналар, вентиляция тизимига эга. Питер Гинзбург мазкур лойиҳани амалга ошириш учун ижодий, илмий, ишлаб чиқариш соҳаларидаги лойиҳалар учун маблагларни жалб қилишга бевосита қўмаклашувчи "Kickstarter" сайтга мурожаат қилди. Мазкур веломобилни ишлаб чиқариш йўлга қўйилса, унинг нархи тахминан 6 минг доллар бўлиши айтилмоқда.

Ш.ФАФФОРОВ тайёрлади.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши Ижроия қўмитаси куйидаги конфигурацияли компьютер сотиб олиш учун тендер эълон қилади:
 Монитор — Samsung 22 LED, материнская плата — MB ASUS MAXIMUS VI HERO, процессор — Intel Core i7-4770 Haswell 3.4GHz, винчестер — Samsung 2TB, оператив хотираси — DDR3 8GB, видеокарта — GIGABYTE GeForce 2GB/256, DVD-ROM ASUS, Case — 800 WT, Mouse+keyboard Multimedia AV-TECH.

Маълумот учун телефон: 277-60-15, 239-45-77, 239-11-09; Электрон e-mail: uzmtdp@mail.ru

Мусаввир ижодхонасида

Мангуликка муҳрланган лаҳзалар

Ўзбекистон халқ рассоми, академик ўрол ТАНСИҚБОВЕ уй-музейидан репортаж



Мусаввирнинг узоқ-узоқларга тикланган нигоҳларида бутун олам жамланади, гўё. Кўзлари бутун борлиқ билан бирга нафас олади, бармоқлар эса бу рангин манзарани қоғозга абадий муҳрлайди. Нафис ҳаракатланаётган мўйқалам рангларга жон бахш этади.

Пойтахтимизнинг сўлим гўшаларидан бирида бир уй бор. Бу — Ўзбекистон халқ рассоми, академик ўрол Тансиқбоев яшаган хонадон. Рассомнинг ўзидек камтаргина ҳовлига қадам қўярсангиз, ногаҳон кўзингиз шамшодга тушади. Мусаввир меҳр кўйган бу дарахт ҳозир 110 ёшда.

Бу хонадонга мусаввир 1967 йилда оиласи билан кўчиб келган. Ҳовлидаги уйнинг илк хонаси — рассомнинг ижодхонаси. Бу ерда унинг шахсий буюмлари, ҳаёти ва ижодига оид ҳужжатлар, мольберт, бўёқлар учун столчалар, фотоҳужжатлар, шунингдек, мусаввирнинг чет эл музейларида сақланаётган асарларидан нусхалар жой олган. Рассомнинг ёшлик шижоҳати, завқу шавқ жўш урган илк асарлари эътиборимизни тортди. Авангард усулида ишланган бу суратларга қараб туриб, мусаввирнинг сирли оламга кириб келгунга қадар чекан захматлари ҳақида ўйга толасиз.

— Тансиқбоев серфарзанд, оддий ишчи оиласида дунёга келган, — дейди музей ходимаси Нигора Назарова. — Аввал бошланғич мактабда тахсил олган. Тамаки фабрикасида ишлаган. Кейин қишлоқ хўжалик техникумида ўқиган. Иш юзасидан узум етиштирилдиган ерларга юборилган. Ана шу пайтларда у илк бор суратлар чиза бошлаган...

Кўз ўнгимда рассомнинг илк машқларини яратиш жараёни жонлангандай бўлди. Ана, узумзор оралаб юрган, тепаликка

чикиб кенг далаларни кузатаётган мусаввир. У оқ қоғозни ёйди-да мўйқаламни қўлига олди. Мактабда ўқиб юрган кезлари расм ўқитувчидан ўқанларини, тафаккуру тасаввурини ишга солди. Зум ўтмай эса рассомнинг илк ижод маҳсули пайдо бўлди. Шу кичкина қоғозда акс этган рангларга боқиб, юртнинг кенг далалари, мўл-кўл боғлари, шу ерларга меҳнат синган халқни кўргандек эдим.

"Илк расмларим одамларда қизиқувчи уйғота бошлаган кезларим буюк рассом Репиннинг шоғирди Розанов билан танишдим. У менга устози ва рассом дўстлари ҳақида кўп гапириб берарди. Айниқса, Пензадаги рассомлик техникуми ҳақида эшитганимда, Пензага ўқишга бориш истагим янаям ортди".

Дили ҳайратга тўлган, борлигидан ёшлик шижоҳати жўш уриб турган рассом кўп ўтмай Пензага йўл олди. Поезддан тушибоқ техникумга югурди. У ўзи учун янги бўлган бу оламни тезроқ кашф этишни истарди. Бироқ қабул комиссияси ёш мусаввирнинг ҳужжатларини қабул қилмади. Бунга ижтимоий келиб чиқиши туғрисидаги маълумотноманинг йўқлиги сабаб бўлди. Шунга қарамай, у техникумга ўқишга кирди. Чунки у комиссия аъзоларига олиб келган қоғозда шундай сўзлар битилган эди: "Бу йигит дунё маданиятига ҳисса қўшишга тайёр. У ўрта Осиёдан чиқши керак бўлган рассомларнинг биринчи қалдирғочидир". Бу ноодатий антика маълумотномани ўз даврининг

таникли, гапи кескир зиёлиларидан бири ёзиб берган эди. Шу тариқа ёш рассом тўғридан-тўғри 3-босқичга ўқишга қабул қилинди. Бир йил ўтиб, юртига қайтиб келди.

— Унинг авангард усулидаги илк суратлари музей саёҳатчиларини доим ҳайратга солади. Мутахассисларнинг фикрича, мусаввирнинг ёшига номуносиб ҳолда картиналар юксак дид ва тақорланмас истеъдод билан чизилган экан...

Хижоми тинглаганча музей ходимасининг ишораси билан бошқа хонага ўтдим.

Меҳмонхона. Жиҳозлар тартиб билан терилган. Хона ўрта-сида стол. Стол устида Шарл де Кастернинг "Уильям Шпигел ҳақида афсона" китоби. Китоб устида эса мусаввирнинг кўзойнаги. Китоб жавони ўзбек ва жаҳон классиклари яратган асарлар билан лиқ тўла. Деворда сурат. Натюрморт.

...Рафиқаси билан Олмаота сафаридан қайтаётган рассом кир йўлида негадир машинаси ни тўхтатди. Хеч нарса демасдан машинадан тушди-ю, рафиқасини ҳайратда қолдириб чаман бўлиб очилган гуллардан саралаб тера бошлади. Уйга келишгач, ҳовлисида ўзи эккан гуллардан узиб келди. Қир гуллари билан биргаликда улардан бир дунё гўлдаси ясапти, гўлдонга солиди. Ясатишдан гўлдасига бироз маҳиле бўлиб турди-ю, мўйқаламни қўлига олди. Орадан икки соат ўтар-ўтмас эса гуллар аслидек жонли, гўзал ва беназир тарзда қоғозга кўчди. Мусаввир бир гулдондаги гулларга, бир ҳозиргина ўзи яратган натюрмортга қаради. Сўнгра дераза оша ҳовлида юрган аёлини қақирди. Хонага кириб келган аёлининг қароқларида ёш милтилади. Бу рассомнинг рафиқаси учун чизилган энг яхши сурати эди.



Гўзалой МАТЭҚУБОВА, журналист

Тадбир

Миллий матбуот марказида Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтининг фольклоршунослик йўналишида олиб бораётган илмий-тадқиқот ишларига бағишланган матбуот анжумани, "Ўзбекистон халқ ижоди ёдгорликлари" 100 йиллигининг дастлабки йиллари тақдироти бўлиб ўтди.

Тадбирда истиқлол йилларида мамлакатимизда халқимизнинг бой маънавий меросини ўрганиш, аънава ва қадриятларини асраб-авайлаш, улардан ёш авлод маънавиятини юксалтиришда кенг фойдаланишга катта аҳамият қаратилаётгани таъкидланди. Бу жараёнда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 7 октябрдаги "2010-2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори фольклор асарларини тўплаш ва тарғиб этиш борасидаги ишлар самарадорлигини янги босқичга кўтаришда муҳим дастуриламал бўлаётир.

Ўзининг қадимий ва бой миллий маданияти билан жаҳон цивилизациясига улкан ҳисса қўшган ўзбек халқи

Халқимиз маънавият сарчашмаси

"Ўзбекистон халқ ижоди ёдгорликлари" 100 йиллигининг дастлабки йиллари нашрдан чиқди

ғоят бой фольклор аънаварига эга. Ўзбек фольклоршунослари унинг асосий қисмини оғзаки ижро шайроликларидан ёзиб олган. Истиқлол йилларида бу улкан меросни асраб-авайлаш ва унинг энг яхши намуналарини кенг тарғиб этиш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти олимлари "Ўзбекистон халқ ижоди ёдгорликлари" 100 йиллигини нашрга тайёрламоқда. Ушбу жамланма икки босқичда нашр этилади: биринчи босқич 2012-2016, иккинчиси эса 2016-2020 йилларга мўлжалланган. Биринчи нашрнинг 57 жилди дostonлар, 10 жилди халқ кўшиқлари, 12 таси эртақлар, қолган қисми эса афсона, ривоят, нақл, мақол ва бошқа жанрлардан иборат.

"Ўзбекистон халқ ижоди ёдгорликлари" 100 йиллигининг биринчи жилдида сўз устаси Фозил Йўлдош ўғлидан 1928 йилда ёзиб олинган "Алпомиш" достони киритилган. Иккинчи жилдидан 1927 йилда Мухаммадқул Жонмурод ўғли Пўлкан ҳамда Фозил Йўлдош ўғлидан ёзиб олинган "Юсуф билан Аҳмад" достони ўрин олган.

Учинчи жилди эса 1926 йилда Пўлкан шоир ва Жолғош баҳши Жоссоқ ўғли ихросида ёзиб олинган "Киронхон" достонидан иборат.

— Лойиҳанинг мақсади ўзбек фольклорининг энг яхши намуналарини асар матни, илмий тадқиқот, изоҳлар, кўрсаткичлар, луғатлар, фото, аудио ва видео материаллар, рус ва инглиз тилларидаги аннотациялар билан биргаликда академик нашрга тайёрлаб, "Ўзбекистон халқ ижоди ёдгорликлари" 100 йиллигини чоп этириш орқали ўзбек фольклорининг мукамал куллиётини яратишдан иборатдир, — дейди институт фольклор бўлими мудири, филология фанлари доктори Мамаатқул Жўраев. — Чунки ҳамиша бунёдкорлик ва эзгуликни тараннум этиб келган бу тафаккур дурдоналарида халқимизнинг энг олижаноб ва улғувор мақсадларга йўналтирилган буюк гоғялари ифода этилган. Институтизмизда кўплаб ёш тадқиқотчилар қадимий аънаваларимиз, халқ оғзаки ижодининг ноёб намуналарини сақлаш, унга сайқал бериш, яна халқимизга қайтаришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Кейинги йилларда ушбу йўналишдаги илмий изланишлар ва тадқиқотлар кўлами ҳам сезиларли даражада ошди.

Халқ оғзаки ижодиёти миллий қадриятларимизнинг энг яшовчан, қадимий, ардоқли ва ҳамиша янгиликлар билан, ҳар бир авлод бадиий тафаккурининг сарчашмасидан қувват олиб сайқалланиб борадиган, доимий ҳаракатдаги ижодий жараён. Шу маънода, мазкур лойиҳа она диёримизда юксак маданиятни бунёд этган ижодкор халқимизнинг дунёқараши, турмуш тарзи, орзу-интилишлари, урф-одат ва маросимлари, қадрибад аънавалари ўзбекхона самимиётини ўзига хос тарзда бадиий ифода этувчи, ўнлаб жанрларни ўз ичига олган гоғят нозир тўпламдир. Зеро, Президентимизнинг "Юксак маънавият — энгилмас куч" асарига таъкидланганидек, ҳар қайси халқ ёки миллатнинг маънавиятини унинг тарихи, ўзига хос урф-одатлари ва аънавалари, ҳаётий қадриятларидан айро ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Бу борада номоддий маданий бойликлар, кўҳна тарихий ёдгорликлар энг муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилади.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

ТАХРИР ХАЙВАТИ: Сарвар ОТАМУРАТОВ, Илхом АБДУЛЛАЕВ, Ахрор АҲМЕДОВ, Сувон НАҲБИДДИНОВ, Мухаммадқул ҚУРОНОВ, Улугбек МУХАММАДИЕВ, Акмал САИДОВ, Жалолдин САФОВЕВ, Рустам ҚОСИМОВ, Исмаил ХУДОЕВОВ, Эркин ДОРИПОВ, Абдуғафур МАМАТОВ, Арслон ЭШМУРОДОВ

Бўш муҳаррир: Бехзод НОРОБЕВ
 ТАХРИРЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000. Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй
 Газета таҳририят компьютер маъказида терилди ва сақиланди
 ТЕЛЕФОНЛАР: (0-371) Кабулхона (факс): 234-69-55, Парламент ва маҳаллий кенгаш депутатлари фаолияти бўлими: 234-01-47, Партия ҳаёти бўлими: 234-86-41, Маданият, маънавият ва ахборот бўлими: 234-87-73, Бўш муҳаррир биринчи ўринбосари: 234-87-74, Бухгалтерия: 234-87-73.
 Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2.
 «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
 Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба кўни чиқади. 2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.

Буорتما — Г 1025, Адади — 5488. Газетанинг баҳоси келишилган нарҳда.
 Навбатчи муҳаррир: Дилфуза РЎЗИЕВА
 Навбатчи: Ҳасан САЛОМОВ
 Саҳифаловчи: Акбар ШОДИЕВ
 Электрон почта: e-mail: m.tiklanish@gmail.ru
 Босишга топшириш вақти — 21.30.
 Топширилди — 00.25.
 Уза яқуни — 21.10.

VATAN TUVU USI HAR NARSADAN USTUN
MILLIY TIKLANISH
 МАУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН «МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ
 ХОМИЙ: «МАТБУОТ ТАРҚАТУВИ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

